

Майсара Назарова

Атиргулнинг саъди






МАЙСАРА НАЗАРОВА

АТИРГУЛНИНГ САБОФИ

АТИРГУЛНИНГ САБОФИ



Тошкент

2015

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Н-18

Назарова, Майсара

Атиргулнинг сабоги: кичик ҳикоялар, қатралар, суҳбатлар / М.Назарова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 80 б.

ISBN 978-9943-27-678-9

Ижодкор аҳли ўта таъсирчан, синчков, ҳар бир ҳолатдан ҳайратлана оладиган ва шу билан бирга яхшигина хаёлпараст бўлади.

Майсарахоннинг мушоҳадага, мантиққа бой кичик ҳикоялари, ҳикматли хулоса билан яқунланувчи қатралари ни ўқиб, унинг оддий воқеалардан ҳам маъно ва мазмун топа билишига беихтиёр қойил қоласиз.

Қўлингиздаги китобда ижодкорнинг кичик ҳикоялари, қатралари ва суҳбатлар жамланган бўлиб, улар сизга руҳий озуқа беришига ишонамиз.

ISBN 978-9943-27-678-9

Майсара Назарова. «Атиргулнинг сабоги», «Янги аср авлоди», 2015 йил.

ЮРТИ ТИНЧНИНГ – КҮНГЛИ ТИНЧ

Тоза ҳавода бир оз айлангим келди. Одатдагидек, қизалогим билан хиёбонга бордик.

Кимдир ишдан қайтяпти, кимдир турмуш ташвишларидан бир зум фориф бўлиб, табиат қўйнида. Улар руҳиятида бугунги қундан қониқищ, эртанги қунга ишонч акс этади.

Балоғатта етаётган қизнинг жамоли тунда янада гузал намоён бўлганидек, шаҳар ҳам кечаси янада жозибали, фусункор, кишини ўзига маҳлиё этади.

Хиёбонда турфа ранг гуллар, фавворалар шаҳар чиройига чирой бахш этиб турибди.

Қизалогим гулларга талпинади. Кейин... Бир донасини менга узатади. Бахтиёр оналик туйғулари или юртим жамолига тўймай боқаман. Қалбимда тинч ва осойишта ҳаётдан шукроналик туюман.

Шаҳримни томоша қилгани оқшомда келинг. Сизга юлдузлар бу гўзалликлардан сўзлаб беради. Шу аснода ойга боқаман. У ҳам юртимизда олиб борилаётган ишлардан, ўзгаришлардан мамнундек хотиржам кўқдан нур таратмоқда. Зоро, юрти тинчнинг – кўнгли тинч.

АТИРГУЛНИНГ САБОФИ

Куз. Ҳаво тез-тез ўзгариб турибди. Кеча қуёшнинг илиқ нурлари кўнгилларга ҳам кўчгандек эди. Бугунги совиб кетган ҳаво эса одамларни ист сикроқ кийинишига ундан, шошириб қўйди.

Хув, анави дарахтнинг барглари саноқлиги-на қолибди. Шохлари қандайдир умид ва илинж ила боқаётгандек. Сахий қуёш ҳаловатини йўқотгандек бетоқат кўринади. Мағрур булутлар кўкда шошқалоқлик билан сузади. Саркаш шамолнинг тикилинч қилишини айтмайсизми?! Ўзининг шўхлигини, бебошлигини кўз-кўз қилмоқчи булгандек, дарахтларнинг охирги япроқларини йул-йулакай узиб кетади. Бандидан ажралган барглар ўйноқлаганча ўзларини заминга отади. Яланғоч дарахтлар уятдан титраб, шамолнинг бу қилифидан кўнгиллари оғрийди. Ҳар доимгидек бағри кенг, саховатли тупроқ хазонларни бағрига оларкан, озурда дарахтни баҳорда яна куртаклар, янги барглар, яхши ҳосиллар қуршаб олишига умидлантиради. Тушдан сўнг ҳавонинг авзойи яна ўзгаради. Осмонни булутлар қоплади.

Мағрур булутлар хокисор қуёшнинг илиқ нурларини писанд қилмай, ёмғир ёғдиради. Тупроқдан ажиг буй таралади. Совуқдан жунжикмай, боф четида ҳали-ҳануз ўз ифори, чиройини йўқотмаган бир туп атиргул устига ҳам ёмғир аёвсиз шифалайди. Аммо атиргул бундан заррача ҳам қилт этмайди. «Қишининг совуқ изғиринига, шамолларга бардoshim етди. Сен нега бунча чиранасан, ёмғиржон? Сабримни синамоқчимисан, дейман. Сен менинг губорларимни ювяпсан, мен эса атрофга янаям атримни соғгим келяпти. Қара, ҳатто бирорта ҳам япроғим қилт этгани йўқ. Менга қолса, қаҳратон қишининг изғиринига ҳам чидайвераман. Аммо куюнчак боғбоним фамимни еб, мени совуқдан асрраб тупроққа кўмиб қўяди», дейди гүё.

Табиат тарбиячимикан, деб ўйлаб қоламан. Баъзида тупроқдан хокисорликни, бағрикенглик-

ни, саховатни, шамоллардан бебош бұлмасликни, дараҳтлардан андишани, ҳатто атиргулдан сабрматонатни ўрганса бұларкан...

СОФИНАМАН ДИЙДОРИНГИЗНИ

Қыз болани палахмон тоши дейишади. Олти опа-сингил эдик, улғайиб ота-она бағридан учирма бүлдик. Энди орамиздаги масофа анча олис. Дийдорлашганда сұхбатимиз узоқ чўзилади – узун тун ҳам етмайди. Опаларим, синглимни софинаман. Баъзида опамга ўпкалаб, қачон келасиз, софиниб кетдим, дейман. «Худо хоҳласа, бирор сабаб бўлса, дийдорлашамиз...» дейди опам. У ҳам софинган. Аммо у туйғуларини кўп ҳам ошкор қилавермайди, феъли шунаقا.

Ёшлигимизда опа-сингиллар онам тиккан чиройли кўйлаклар, ёпган митти кулчаларни деб кўп талашардик...

Бир куни опам билан талашиб қолдик. Бу ҳолатни кузатиб турган онам:

– Бўлди қилинглар, – деди икковимизга қараб. – Ҳали эрта бир кун узатилиб кеттанингизда бир-бирингизни шундай софинасизларки, дийдорингизга зор бўласиз!

– Ҳечам, ҳеч қачон софинмайман шунингизни,
– дедим ўйлаб ўтирумай.

Опам эса индамади...

Катта опаларим узатилгач, уйда кичкина опам билан қолдик. Опам мактабни тутаттагач, шаҳарга уқишига кетди. Уйга уч-тўрт ҳафтада бир келади. Уни жуда қаттиқ софинаман. Келишини интиқ бўлиб кутаман. У келса, қувончим ичимга сифмайди. Опам бизга яхши китоблар, тувақда ўстириладиган гуллар олиб келарди. Синглим иккимизни шу

китобларни ўқишига ундарди, гулларга яхши қара-шимиизни тайинларди. У шу йўсин бизга гўзалликка интилишни ургатарди. Шаҳарга кетадиган куни эса ўз-ўзидан менинг қовоғим осиларди.

Буниси ҳам майли, опамга совчилар келиб, тўй кунини белгилаб кетишганида ундан роса хафа бўлдим.

— Турмушга чиқмасангиз бўлмайдими? — дедим опамга аччиқданиб.

— Мен ҳам сени ташлаб кетгим йўқ, — деди секингина.

— Унда нега тўйга розилик бердингиз?

— Катта бўлганингда — юрагингда муҳаббат меҳмон бўлганида тушунасан, — деди опам ўзини айбордек ҳис қилиб.

— Йўқ, гапирманг, меҳмон-пехмонингизни. Мен унга ҳечам қулоқ солмайман! — дедим алам билан. — Ёмон кўраман муҳаббатингизни, у сизни мендан айиради.

Опам кулиб қўйди-да, индамади...

Бугун опа-сингиллар учирма бўлган гўшамизда яна дийдорлашдик. Онамни йўқладик. Болалик кунларимизни эсладик.

Болалик хотиралари тонгти шабададек ёқимли, қуёш нурларидек ёруғ. Хотиралар қалб дунёмиз уйига ёқимли эпкин, ёруғ нурлар олиб кирди.

Ўйлаб қоламан: болалигимизда кўйлак учун, кулча учун талашган бўлсак, энди биз, опа-сингиллар дийдор талашамиз. Опам менга онамнинг ҳикматга айланган гапларини эслатди: «Ҳали бир-бирингизни шундай софинасизларки, дийдорингизга зор бўласизлар...»

Бу гал мен индамадим...

НОДИРА СОЧИННИ КЕСМАЙДИГАН БҮЛДИ

Эртага институт талаба-қызларининг «Ораста қызлар» танлови. Муборакхон қизи Нодиранинг узун, қоп-қора соchlарини майда қилиб үриб қўйди.

— Сананг-чи, ойи, нечта бўпти? — қизиқди Нодира.

— Бир юз тўрт дона чиқибди, — деди ойиси ва ҳар галгидек соч үримларини тенг иккига бўлиб қизининг бошига чамбаракдек айлантириб, «сенга куёв, менга палов», деб силаб қўйди.

— Нега ҳар гал шундай дейсиз, ойи, бунинг маъноси нима? — қизиқиб сўради қизи.

— Бу момоларимиздан қолган удумлардан. Бу орқали қызларга баҳт тиланади.

Ҳаммаси бир хил, бежирим қилиб үрилган сочидан завқланган Нодира танловга кўтаринки руҳда кетди. Танловда у «Энг кўп үримли соч» номинацияси ғолиби бўлди. Саҳнада ғолиблар қаторида унинг ҳам номи эълон қилинганида севинч ва ҳаяжондан энтикиб қўйди: «Бу хушхабардан ойижоним кўпроқ хурсанд бўладилар».

— Ойижон, табриклайман, — деди Нодира уйга киаркан.

Муборакхон танловда қизининг ғолиб бўлганини пайқаб, мен сени табриклайман, дея қизининг пешанасидан үпди.

Шу пайт эшик тақиллаб, Нодирани уртоги Мадина чақириб қолди. Ойисидан рухсат сўраб, қызлар кўчага чиқишиди.

Хиёл ўтмай, уйга қайтган Нодиранинг бояги куш кайфиятидан асар ҳам йўқ эди.

— Ойи, бўлди, соchlаримни бошқа майда үрдирмайман. Кучадаги қызлар замондан орқада қолган,

СОДДА ҚИЗ, дея устимдан кулишди, — деди ўпкаси тўлиб Нодира.

— Бекорга хафа бўляпсан, наҳотки устозларингга ёққан соchlаринг бу қизларга ёқмаган бўлса?

— Ахир улар «модний» қизлар-да. Сочлари калта кестирилган, бириники сарик, бириники қизил рангта бўялган. Мен уларнинг олдида хижолат бўлдим.

— Эҳ, ўзимнинг ораста қизим-а. Улар хафа бўлишингга арзимайди. Биласанми, сочини кимлар ҳар хил рангта бўяйди?

— Ҳа, бунақалар ҳақида эшитганман, ўқиганман — тушунчам бор, — деди Нодира ҳушёр тортиб.

— Яқинда бир гурӯҳ зиёли аёллар билан бирга пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонидан ўтиб кетаёттандик. Сочларини қизил-қорага бўяб олган, фалати кийинган уч-тўртта қизга кўзимиз тушди. Йигитлар у қизларга гап отиб ўтиб кетяпти. Яна бир-иккитаси қизларга суйкалиб, уларни эрмак қиляпти. Орамиздаги Фарида опа бу ҳолатга индамай ўтиб кетолмади. Йигитларнинг олдига бориб: «Хўш, ўғлим, шу қизга уйланасанми, ўзинг?» деб сўради. Йигит: «Э, қизиқмисиз, шунчаки эрмак-да. Бунақа қизларга ким ҳам уйланарди», деб жавоб берди. Сени майда ўрилган соchlарингни масхара қилган қизлар ҳам шундайлардан-да. Ёш қизлар сочини турли бўёқларга бўяйверса, сочи тўкилади, ўз жилосини йўқотиб, хира тортади. Бизга оналаримиз, ҳатто тараганимизда тушадиган соchlарни ҳам оёқ остига ташламасдан, мевали дарахт тагига кўмиш лозимлигини, бўлмаса бош оғрийдиган бўлиб қолишини уқтиришарди. Баъзи қизлар эса ўзларича озодалик санаб соchlарини кунда ёки кунора турли шампунларга ювишади. Оқибатда, соч

илдизлари қуриб кетади, учи «гуллайдиган» бўлиб қолади. Илгари момоларимиз соchlарини қатиқлаб ювишни канда қилмаган. Қатиқ соч илдизини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам уларнинг соchlарини тақимини упиб турган, ҳуснига ҳусн қўшган. Нафақат ҳусн, обру ҳам саналган. Узун соч кишининг ҳавасини келтиради, завқ, бағишлади. Шоирлар ҳам бу ҳақда куплаб ғазаллар битган. Достон, эртаклардан ҳам йигитларни узун соchlар мафтун эттанини биламиз.

— Ҳа, ойижон, бугун йулда кетаётсам, чет эллик бир сайёҳ аёл ҳам инглизчада, майлим, деб сочимни ушлаб қуриб, чиройли, деди. Институтда кўпчилик қизлар,вой узунлигини, чиройлилиги ни, дея ҳаваси келди. Йул бўйи бундай сўзларни кўп эшидим. Танловда суратга олаётган фотограф эса, сочингиз сунъиймасми, дея синчиклаб «текшириб» кўрди. Сиз кичкиналигимдан сочимни қатиқлаб парваришлагансиз-ку. Меҳнатингизни қадрлайман, ойижон, — деди Нодира.

— Ана энди ўзингта келдинг, қизим. Замонавийлик фақатгина сочни калта кестириб юриш ёки очиқ-сочиқ кийинища эмас. Замонавийлик — инсоннинг юриш-туришида, одобида, муомаласида. Ҳалиги ўзларини «замонавий» санайдиган қизлар маънавиятли, миллий қадриятларимизни қадрлайдиган қизлар бўлганида сени хафа қилишмаган бўлишарди.

— Ойижон, мен энди соchlаримни ҳеч қачон кестирмайман.

Нодиранинг этагини тўлдириб турган бир юз тўртта соч толими бу гаплардан бир тўлғаниб кетди.

КҮНГИЛЛАРНИ АСИР ЭТУВЧИ СҮЗ

«Кеп қолинг, оп қолинг, еганлар дармонда, еманганлар армонда!» – Шум боланинг бозордаги харидорлар учун беозор, самимий чорлови. У бу чорлов билан Бой отадан «хизмати» эвазига «ундирган» олмаларини ҳеч қийналмай сота олади.

Негадир харид қилиш учун бозорга тушсам, кўпинча сотувчиларнинг: «Келинг, сизга нима керак?» деган гапини эшитаман. Шунда Шум боланинг чорлови эсимга тушаверади. Аммо чорлов билан чорловнинг фарқи бўларкан.

Катта, гавжум бозор. Қатор дўконлар. Турли қиёфали, ҳар хил муомалали сотувчилар. Бироқ харидорлар учун аксарият чорловлар бир хил: «Келинг, сизга нима керак эди?» Бу сўзларга илк бор дуч келган одамнинг хаёлидан, ҳа, яхши, ёрдамлашяпти-да, деган фикр ўтади. Аммо керакли кийимнинг у ёқ-бу ёғини бемалол кўрмоқчи булсангиз ёки кийиб кўрсангиз бўлди. Сотувчи, оласизми, ўраб берайми, деб ҳоли-жонингизга қўймайди. Илгичи билан тепада турган кийимларни ҳам кўрсатаверади. Маъқул келмай, олмасангиз, «Олмас экансиз, нега одамни овора қиласиз?» дея зарда қилишади.

Дўконларни айланарканман, бундай «сертакаллуф» сотувчиларга кўп дуч келдим. Юрагимни ҳовучлаб яна бир дўконга кирдим. Хижолатликнинг олдини олиш мақсадида бу гал мен «Бемалол куриб, кейин олмоқчиман майлими?» деб сўрадим. Сотувчи «бемалол» дейишга оғринди, шекилли, энсаси қотиб бошини зўрға қимирлатди, тескари қараб мендан узоқлашиди.

Ўзимга ёққанини танладим. Ичимда «шуни оламан» дедим излаганим топилганидан суюниб:

— Үраб берасизми?

...

— Қараворинг, — дедим яна.

Сотувчи мен томонга беписанд қаради.

— Ҳмм, ҳозир, — деди сақичини бемалол чайнаб. Шу маҳал телефони жиринглаб қолди. Бемалол гаплашиб бўлгач, қўлимдагини силтаб олди-да, тез-тез үраб, елим халтага солди.

Сотувчининг қўрс муомаласидан бояги хурсанд-лигимдан асар ҳам қолмади. У ўта замонавий кийинган бўлса-да, кўзимга жуда маънан ночор, маданиятсиз кўринди.

Бозор катта, дўкон кўп бўлса. Харидор ҳар бир кирган дўконидан кийим харид қилавермайди-ку. Калтафаҳм, маданиятсиз сотувчилар дўкондан харид қилмай чиқсангиз, орқангиздан нафсониятингизга тегадиган гапларни айтиб қолади: «Олмасанг, нима қиласан вақтимни олиб, асабимга тегиб», «Пулинг бўлмаса, дўконда пишириб қўйибдими?», «Бизнинг дўконга дидинг ҳам, чўнтагинг ҳам тўғри келмас экан» каби. Аслида уларнинг мақсади сурбетлик қилиб бўлса-да, молини «утказиш».

Бироқ сотувчиларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам шундай дейишдан йироқмиз. «Бемалол кўраверинг», «Ёққанини танланг», «Хижолат бўлманг», дея ихтиёргизга қўядиганлар муомаласидан қўнглингиз ярайди. Ҳеч нарса харид қилмасангиз-да, «Раҳмат, келиб туринг» дея табассум билан кузатувчи сотувчиларнинг муомаласидан кайфиятингиз кўтарилади. Улардан бошқалар ҳам ибрат олса, яхши бўларди.

Саксон ёшдан ошган бувим бирорвга қўпол муомала қилган, беттакопар кимсани кўрса, «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин», деган иборани кўп ишлатарди. Үткир фаросатли ота-бо-

боларимиз сұхбатлашиш одоби, муомала мәданиеттегі алоқыда эътибор берган. Бу борада фарзанд тарбиясига нозик масала сифатида қаралған. «Яхши гап билан илон инидан, пичоқ қинидан чиқар», «Яхши сүз жон озифи, ёмон сүз бош қозифи» сингари мақоллар ҳам айнан ҳаёт сабоқларидан келиб чиққан. Шириң қаломли, хушмұомала инсон ҳар қандай кишининг күнглига йўл топа олади.

Алишер Навоий айтадилар:

*Ҳар кимки, чучук сүз әлга изҳор айлар,
Ҳар нечаки, ағёр дурур, ёр айлар.
Сүз қаттиғи эл күнглига озор айлар,
Юмшоги күнгулларни гирифтор айлар.*

Демек, шириң сүз дүшманни ҳам дүстта айлантириши мумкин. Қаттиқ сүз күнгилларга озор етказади, юмшоги дилларни асир этади.

Атрофдагиларга меҳр улашиш, шириң сүз айтмоқ завқидан бебахра қолмайлик. Зоро, кейинчалик күнглиминиз ғашланиб, күзимиз ёшланмасин.

ЙИГИТЧАСИГА ВАЪДА

Соат кечки ўн иккидан ошган. Қаттиқ ва безовта тақиғлаган эшикни Сардор очди. Отаси яна ичиб келибди. Оёқда туролмайдиган даражада масти. Ичкарига кириши билан ундан ачимсиқ — ароқ ва тернинг ҳиди анқиди. Үғлини қучоклаға мөңчи бўлиб ўзига тортди, ҳеч ким тушунмайдиган сўзларни фўлдиради. Сардор бундай ҳолатларга кўнишиб қолган. Ёқимсиз ҳиддан унинг күнгли айниди.

— Ойинг қани, мундоқ кутиб ҳам олмайди, — деди отаси норози оҳангда.

— Ойим уйқу дори ичиб ухлаганди, қўйинг, уй-фотмайлик, — деди Сардор. — Куни билан дўконда тик оёқда чарчайди, — ойисига ачиниб дадил гапирди.

— Онангни раҳмини ейсану отангта ачинмайсан-а? — фазабланди ота.

Сардор ҳозир дадаси билан тортишиш бефойдалигини билгач, уни бир амаллаб ухлатди. Аммо ўзи туни билан ухлай олмади. Кайфияти тушиб кетди, дарс қилишга қўли бормади. Эртага устозига бирор ёлғон тўқиб баҳона топар... Ёлғон гапиришни ўйлаб, виждани қийналди. Э, нима бўлса, бўлар.

Хаёл суриб ётаркан, ташвишсиз болалигини эслади, бироз ўкинди.

У дадасини жуда-жуда яхши кўрарди. Айниқса, дадаси ҳар куни ишдан келганда Сардорга, албаттга, ширинлик олиб келарди. Дадаси: «Ота ўғил қани?» деб эркаласа, жажжи Сардор қўлини кўксига уриб, мана, дерди. Бу ишдан ота-бола катта завқ туйишарди. Сўнг ўғли отасининг бўйнидан қаттиқ қучиб оларди. Кечқурун ухлашдан олдин отасининг қучоғида ухлаб қоларди, ором оларди. Бу унинг учун мароқли эди.

Энди эса отасидан доим ароқнинг ҳиди келиб туради. Бу ёқимсиз ҳид отасининг кийимларигача ўрнашиб қолган. Дадасини қанчалик яхши кўрмасин, бу ҳид унга сира ёқмасди.

Сардорнинг ароқни ёмон кўришига яна бир сабаб бор. Икки йил олдин у жуда яхши қўрадиган бобоси масти ҳолда машина бошқараётиб, автоҳалокатга учради. Касалхонага етиб бормай, йулда жон берган. Шундан кейин Сардор ароқни баттар ёмон куриб қолди. Кейинчалик дадасидан хавотир оладиган бўлди. Энг ёмони, дадасининг доим шундай аҳволда юришидан ўртоқларининг олдида уя-

ларди, қолаверса, дадасининг соғлиғи, ҳаёти унинг учун муҳим-ку.

Сардор нима қилишини билмай, сиқилди. Дадаси ишга кетаётганда чўнтағидан ортиқча пулни олиб қўйсамикан? Йўқ, ичадиган одам қарзга олиб бўлса ҳам ичади. Тартибга солиш учун дадасини қаттиқроқ уришса-чи? Ўғлидан ранжиши мумкин. Бу ҳақда кўп ўйлаганиданми, баъзан тушларида дадасини машина уриб кетади ва... ўлиб қолади. Энг яқин одамини йўқотиб қўйганидан мурғак қалби даҳшатта тушади, қўрқиб кетади.

Нима қилиб бўлса ҳам йўлини топиш керак.

— Сардор, ўғлим, бошим ёрилиб кетяпти, дўконга чиқиб кел, фақат ойинг билмасин, — деди бир куни дадаси Сардорга.

— Ичмасангиз бўлмайдими? — деди ўғли дадасига қовоғини уйиб.

«Демак, бош оғриганда ароқ ичса, оғриқ, бо силаркан-да, дадам ҳам бошининг оғрифини қолдириш учун ичаркан-да» — Сардорнинг миясига келган фикр шу бўлди.

Шу топда Сардорнинг алами келди. ўзини жуда ёлғиз ҳис қилди, боши қаттиқ оғриди. Дадасига раҳми келяптими, нимадир алам қиялптими — кўп идрок қилолмади.

— Бўпти, олиб келганим бўлсин, — ўзига ўзи гапирди Сардор. Дўкондан чиққач, қизиқиб, ароқнинг мазасини татиб кўрди. Бирпасда бутун та наси қизиб, боши айланди, кўнгли беҳузур бўлди. Қайт қилгиси келди, бўлмади. Қийналиб кетди. «Қизиқ, катталар бу bemаза нарсани нима учун яхши кўриб ичаркин?» — ўйлади у.

Уйга кираётиб оёқлари чалишиб кетди, ўзини бошқаролмади, ерга юзтубан йиқилди. Бир амаллаб ўрнидан турди. Юзига келиб тушган тарсакидан ҳушёр тортди.

— Ичишни сенга ким ўргатди, аҳмоқ? — деди дадаси вожоҳат билан.

— Ким бўларди, сиз-да! — тап тортмай жавоб берди Сардор.

Ўғил бола бўлса-да, ўзини тутолмай ўкириб ийғлади. Негалигини ўзи ҳам билмади. Аммо тарсакининг оғриғидан эмаслигини аниқ билади. Сардор энди дадаси тескари бурилиб кетади, деб ўйлади. У ўйлагандай бўлмади. Ўзини гуноҳкор сезган ота ўғлини маҳкам бағрига босди. Ўғлига бошқа ичмасликка йигитчасига ваъда берди.

Сардорнинг ўсмир вужудида болалигидағи, узоқларда қолиб кетган меҳр қайта уйғонгандек бўлди, йўқотган энг қимматбаҳо бойлиги отасининг нигоҳларига ҳам кўчгандек эди...

СҮНГГИ ҚҮНФИРОҚ ҲАЯЖОНЛАРИ

Сунгги қўнфироқ... Уни яхши кўраман. Сунгги қўнфироқнинг чалиниши юракларга титроқ, аллақандай ғашлик солса-да, мен уни сабрсизлик билан, ширин энтикиш билан кутганман.

Атрофга бокаман: кимнингдир кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш, хаёллари паришон. Негаки, бугун тўққиз йиллик синфдошлар — қадрдонлар тўққиз йиллик шўхликларини, эркаликларини мактаб бағрига қолдириб, уни тарк этяптилар.

Мактаб қучогида кечган масрур дақиқалар, мұъжазгина синфхоналар, сабоқ берган устозлар билан хайрлашмоқ нақадар оғир. Синфдошларнинг парталар оша «самолётчалар»да севги мактубларининг «учиб» келиши, гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора бўлган биринчи муҳаббатлар...

Мана, ҳозир ҳам сунгти қўнфироқ чалингяпти. Унинг жарангি мени олис хотираларга бошлаб кетди.

Синфдош қизларнинг ҳафсала билан тутган эсдалик дафтарлари. Қай бир йигитнинг қитмirlик қилиб уни олиб қочгани... Буларнинг бари кейинчалик қалб дафтарига муҳрланиб қолажак битиклар...

... Юқори синфда ўқирдик. Ирода синфимиздаги энг жиддий, энг аълочи, энг чиройли қиз эди. Ўқиши ўртамиёна Алишер уни пинҳона ёқтириб юради. Фақатгина жўраси Асад айёр ундан хабардор эди. У овозини Алишерга ўхшатиб Иродага телефон қилди: «Мен сени яхши қўраман, лекин буни ўзингта айттолмаяпман. Сен менга ёқасан».

Эртасига бўлган томошадан ҳамма ҳайратда. Синф жимжит эди, ўқувчилар дарсга тайёрланиб ўқитувчини кутаётганди. Бу жимликни Ироданинг Алишерни юзига тортган тарсакининг овози бузди. Ҳамма овоз келган томонга қаради. Ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмади. Қизнинг узун-узун бармоқларининг изи Алишернинг оқ-сариқ, силлиқ юзида ёмон билиниб қолди – шолғомдек қизариб кетди.

Ҳам жаҳл, ҳам хижолатдан Алишер узини қўярга жой тополмади.

– Мен нима қилдим санга? – деди Иродага.

– Ўзингни гулликка солма, бундан кейин телефон қилма, эшитдингми? – деди Ирода мағрур.

Бундай қитмирлик синфда фақат Асаднинг қўлидан келишини билган Алишер унинг олдига келиб сўради:

– Тўғрисини айт, жўра, сен телефон қилдингми унга?

Асад лом-мим демади, юзини китоб орасига яшириб мириқиб кулди.

Шунга ўхшаган воқеалар мактаб ҳаётимизда кўп содир бўлиб турарди.

Бугун биз – собиқ синфдошлар учрашиб қолсак, шуларни албатта эслаб куламиз. Бир-биримиз

билан аразлашиб қолсак, устозларимиз яраштириб қўярди, уларнинг бағри, феъли кенг эди. Устоз уларнинг бу хислатларини энди-энди пайқагандек бўламиз, меҳр билан эслаймиз, меҳри дарё эканликларига тан берамиз.

Яна сўнгги қўнғироқ чалингти. Атрофга қарайман. Ўқувчилар ҳаяжондан энтикиб кетяпти. Ахир бу лаҳзалардан энтикмай бўладими?! Мактабни тамомлаётган ёшлиарга ҳавас билан боқаман. Қаршимда турган битирувчиларнинг нигоҳида шижоат, ишонч, интилиш ва келажакка умид ёлқинланиб турибди. Навқирон йигит-қизларнинг кўнглидан қандай туйфулар ўтаётганини ҳис қиласман...

Улар катта ҳаёт остонасига қадам қўймоққа шай туришибди. Бугун уларга қараб шундай дегим келади: «Азиз битирувчи, шу йиллар ичидан бир-бирингиз билан қадрдан бўлиб қолдингиз. Гоҳида нонингизни бўлишиб, гоҳида шодлик, ташвишингизни биргаликда баҳам кўрдингиз – қадрдан бўлиб қолдингиз. Ҳа, тўғри, баъзида йигитлар қизларнинг сочини партага бойлаган, яна қизларнинг юзига билдирмай ойнача тўғрилаган, хуллас, бефараз шўхликлар қилишган. Чунки ўғил бола табиатан шўх бўлади-да, шунинг учун қизларнинг жигига тегишини яхши кўришган. Улар ҳозир чин юракдан қизлардан бу ишлари учун кечирим сурмоққа тайёр туришибди. Қизларжон, йигитларни кечиринг, чунки улар сизни яхши кўришади. Йиллар ўтса-да, бир-бирингизнинг дийдорингиз дийдангизга дур бўлиб инсин, таассуротларингизни эслаганингизда қалбингизга нур бўлиб кирсин. Устозларни-да эслаб туринг. Уларни йўқламок, эсламоқ, меҳр кўрсатмоқ қарзdir».

НОНДАГИ ҲИКМАТ

Яхши қайнона бўлишни кўпчилик аёллар орзу қиласи. Фақат ширин ниятнинг ўзигина етарли-микан? Оиланинг тинч-тотув, ибратли бўлиши учун қайнонанинг тутган ўрни катта. Ўзга бир хонадонга тушган ёш келиннинг билганини ошириб, билмаганини яшириб, шу жойда илдиз отиб кетишида қайнотадан кўра кўпроқ қайнона сабабчи эканининг кўп шоҳиди бўлганмиз.

Ўн-ўн бир ёшларда эдим. Ўртанча опам қўшнимизга келин бўлиб тушди. Янги келиннинг бежирим кийимлари, тақинчоқлари, ҳаё-ибо билан чой узатишими, маъсумлигими, нимасидир мени ўзига тортарди. Шунинг учунми, опамни-кига боргим келаверарди. Мактабдан келардиму, «Опамларни книга борай», деб онамни қўндиришга уринардим. «Ҳадеб бораверма, яхши эмас», деб онам кўпинча рухсат бермасди.

Бугун ҳам ўзимга тегишли бўлган юмушларни бажараётиб, қудахоланинг тандирхонаси туйнутидан тутун чиқаётганини кўриб қолдим. «Опамлар нон ёпишаркан-да», деб ўйладим. Сут қўшиб пиширилган ноннинг мазаси бошқача бўлади-да!

Онамдан рухсат олдим-да, ўша ёқقا қараб югурдим. Ўйлаганим тўғри чиқди — опам тандирга ўт қалаяпти, демак, иссиқ нон ёпилади.

Қудахола ёш болага ҳам, кексага ҳам яхши муомала қиласди. Мен у кишини жуда яхши кўрардим.

— Ҳа, кел, қизим, — дея менга пешвоз чиқди қудахола.

— Опам яхшиларми? — сўрадим.

— Нонни ўзим ёпаман, деб қўймаяпти опанг. Майли, ёпа қолсин. Аслида ҳали оловга яқинлаштиргим йўқ, эди-ю, — шу пайт опам келиб

қолди. Эгнида фартук, бошида оддий чит рұмол, үзига ярашиб турибди. «Нега келинчакларга ҳамма кийим ярашаркан-а?» — хаёлимдан үтди.

— Ойижон, нонларни ясайверайми? — опам қайнонасидан сұради.

— Ҳа, тандир ҳам қизибди-ку, — деди қудахола.

Мен уларнинг қилаёттан ишларини бир чеккада мароқ билан томоша қилиб турдим.

Опам бирорниңида илк бор нон ёпаёттани учунми, ҳаяжонланыётгани билиниб турарди. Қайнона-келин бирпасда бир тандирлик — тұртта нонни ясаб, тайёрлаб қўйищди. Сўнг опам оловни тандирнинг ўртасига тўплаб, деворига сув сепди. Нонларни рапидага солиб, бир-бир тандирга ура бошлиди. Қайнонаси «эҳтиёт бўлинг, болам» дейишидан чарчамасди.

Бирпасда ҳамма ёқни иссиқ ноннинг хушбўй ҳиди тутиб кетди.

Ёпилган нонларнинг иккитаси бўрсилдок, юзлари ялтираб чиқди. Иккитасининг чеккаси қатланиб қолганми-ей, бужмайиб хунук чиқди. Опам бир нонларга, бир қайнонасиға айборона қараб қўйди. Хижолатликни дарров пайқаган қайнонаси:

— Яхши, биринчи марта шундай ёпдингизми, ҳали кейингилари ўҳ-ҳӯ, бир чиройли нонлар бўладики, — деди келинини алқаб қўйди.

Шу пайт дарвоза тақиллади. Қизиқ, қудахола боягина нонларни совисин, деди ёйиб қўяётганди. Энди эса иккита чиройли чиқсан нонни кўрсатиб қўйиб, хунугини тагига яшириб қўйди. Дарвоза томонга қараб: «Ҳа, Мастура хола, келаверинг биз бу ёқдамиз», — деди.

Мастура холани негадир онам, қўшнилар унчалик ёқтирумасди. У бирорни фийбат қилишни яхши кўрар, оғзидан сира ширин сўз чиқмасди.

Ҳовлининг тўрт томонига кўз қирини ташлаб, Мастура хола кириб келди. Опамнинг тандир атрофида куймаланиб юрганини кўриб:

— Ҳа, нонни янги келин ёпяптими? — деди у.

— Ҳа, бинойидек ўзи ёпяпти, олинг, сиз ҳам тузини кўринг, — дея қудахола чиройли чиққан нонни қўшнига мақтаниб кўрсатди.

Олти хил табиатли олти келин билан ахил-иноқ яшаётган, хонадонидан ёмон сўз чиқмайдиган бу қайнонанинг сир-асорорини ўша кичик воқеа — опамнинг биринчи бор нон ёпганида фийбатчи Мастура холадан қийшиқ нонларни нега яширганининг сабабини йиллар ўтгач англағандек бўлдим.

ПУЛ САНАЁТГАН БОЛА...

Оиламиз билан енгил машинада узоқ йўлга отландик. Автомобил бир маромда юради — йўллар равон. Тамадди қилгингиз келса, марҳамат, ошхоналарда хоҳлаган овқатингиз бор — фаровонлик.

Кун сайин дид билан қурилаётган янги, замонавий биноларни томоша қилиб кетарканман, ҳалқимизнинг бунёдкорлигига тан бериб, завқим ошади. Шундоққина йўл ёқасида жойлашган замонавий ўқув биноларини кўриб, фарзандаримизнинг шундай жойларда таълим олаётганидан тўлқинланаман. Бироқ ёшларнинг ўқиб-урганиши учун барча шароитлар етарли, тўқис қилиб берилаётган бир пайтда айрим ота-оналарнинг фарзанди келажагига бефарқ эканидан хавотирга тушасан, киши.

— Машинадан тушиб туринглар, ёқилғи қуйиб олай, — деди турмуш ўртоғим.

Тушиб ўриндиқча ўтирдик.

— Ойи, қаранг, аnavи сотувчи қизчани, — деди қизим автомобилларга ёнилғи қүйиш шохобчаси ёнида сув сотиб утирган қизалоққа қараб.

Шу пайт бир аёл «Жойингда үтирсанг бўлмайдими, у ёқ-бу ёққа кетиб қолмасдан», дея қизчага бақирди.

Болам тенги қизнинг юпун кийинганини кўриб, раҳмим келди. Дарсдан қолиб «тирикчилик» қилаётганига ачиндим. Қизчага яқинлашиб, аста сўрадим:

- Мактабга бормадингми?
- Йўқ,
- Қайси фанни яхши кўрасан?
- Адабиёт дарсини.
- Келажакда ким бўлмоқчисан?
- Билмадим... Ойим билади.

Қизчанинг ойиси билан бироз гаплашдим.

— Қизингизни нега мактабга юбормайсиз. Дарслардан қолиб кетади-ку? — дедим.

— Унинг ташвишини қилмай қўяқолинг, — дея она пул санашда давом этди...

Машинага чиқдик. Кўнглим ғаш бўлди, хаёлимдан қизчанинг чехраси анчагача кетмади.

Айни билим эгаллайдиган, ҳунар ўрганадиган пайтида қизчага тирикчилик ташвишини юклаб қўйишга ота-онанинг қандай кўзи қийди экан? Эҳтимол, ўқитувчиларнинг қизингиз нега дарсга келмаяпти, деган саволига ҳам она пул санашни «ўргатаётганини» пеш қилаётгандир. Бундай лоқайд оналарни келажакда фарзандим жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа оладими, деган ўй хавотирга солмасмикан?!

ОРТИҚЧА ҲОЮ ҲАВАС ОҚИБАТИ

Марғуба құшниси Шоҳистанинг чарларида ҳали вояга етиб улгурмаган қизи Дилнозанинг сепи тайёрлиги ҳақида фуур билин гапирди. Үтирган аёллардан қай бири унга ҳавас, қай бири ҳасад билан қаради, кимдир унга ачинди ҳам.

- Дилнозахон ҳали үн еттига ҳам тұлмади-ку,
- деди таниш аёл.
- «Тенги чиқса, текин бер», дейишган, — гапни шарт кесди Марғуба.

Довруғи етти маҳаллага әмас, етти шаҳарға етгудай түй қилиши ҳақида мақтаниб, ҳаммани оғзига қаратди.

Ҳою ҳаваслар билан түй ҳам үтди. «Серхиммат» она түйдан кейин күевига енгил автомашинанинг қалитини совға қылди.

Дилноза учун тушунмовчиликларға тұла ҳаёт бошланди. Ҳар куни тонг-саҳар — соат түртдә уйғониши, ҳаво иссиқми, совуқми, күчага сув сепиб супуриши шарт. Янги тушган келин, ахир. Нонушта тайёрла, юв-йиғиши, үқишиңа чоп. Үқищдан яна уйға югур, кечки овқат қилиши керак. Югур-югурдан толиққаң, дарсларға қандай тайёрлансын, қандай үзлаштирыссын? У ҳарчанд уринмасын, дарс қулогига кирмай, мудраб қоларди.

Бир куни ақволни эрига секин тушунтириш мақсадида:

- Нозим ака, үқишим биттүнча юмушларға ойим сал қарашиб турсинлар, улгуролмаяпман, — деди хижолатомуз.

Бу гапни қайнона эшлитиб турған экан, захрини сочиб қолди:

- Вой, келинни нимага олдим, оёғимни чүзиб үтирмасам?! Биз келинлигимизда ҳамма ишни эплар-дик. Үддалай олмасанғиз, үқишиңи йиғишигиринг!

Дилноза тишини тишига қўйиб «келинлик вазифасини» бажаришга мажбур эди. Акс ҳолда ўқиши чала қолиб кетади. «Мен иродалиман, ҳамма нарсага улгурман» – бу сўзларни ҳар қуни ичида такрорлаб, унга амал қилишга уринарди.

Лекин айни шу кунларда боши айланиб, ўрнидан турса, кўз олдида «юлдузчалар» пайдо бўладиган бўлди.

Дўхтирга чиқса, «фарзанд кутяпсиз», дейишди.

Қайнона-келин ўртасидаги келишмовчилик бора-бора жанжал келтириб чиқарди.

Эрта никоҳ, доимий толиқиши, асаббузарликлар туғилажак бола саломатлигининг салбий ўзгаришига сабаб бўлди – бола вақтидан оддин туғилди. Дилнозанинг соғлиғи ҳам яхши эмаслигидан ҳамма хавотирда. Қайнона қилган такаббурлигидан афсусланди. Марғуба шошқалоқлигидан пушаймон.

Афсуски, улар буни кеч тушуниб етди.

БЕБАҲО ЗИЙНАТ

Ўқитувчи танишим бор. У билан гурунглашсак, гап, албаттга, ёшлар мавзусига бориб тақалади.

– Ҳозирги ёшлар компьютерни сизу биздан кўра яхши билади, чет тилларни мукаммал ўзлаштирган. Илм-фан, спорт, санъат соҳасидаги ютуқларини дунё тан оляпти, – дейди у тўлқинланиб.

– Ҳа, ёшларнинг устун жиҳатлари кўп, – тан оламан унинг фикрини маъқуллаб. – Лекин, назаримда, ёшларнинг одоб-ахлоқи бироз ўзгаргандай.

– Компьютер, телефон, телевидение, хориж сериаллари ҳаётимизга шиддат билан кириб келди. Тўғри, булар инсоният яратган мӯъжизалар. Бироқ бу мӯъжизанинг ижобий томони билан салбий жиҳатлари ҳам борлигини ёддан чиқармаслик лозим,

— давом этади педагог суҳбатдошим. — Ахлоқсиз, беҳаё кадрларни тўп-тўп бўлиб томоша қиласётган ўқувчилар кўлидан неча мартараб телефонини олиб қўйганман. Ўқувчиларни синамоқчи бўлиб, қайси-дир сериалнинг қаҳрамонини сўрасам, фильмнинг ўзини бошдан-оёқ айтиб берадиган катта сериалларни кўрадиган кичик томошабинларим ҳам йўқ, эмас. Яқинда бир ўқувчининг онаси бошқа бир ўқувчи-нинг онасига: «Қизингизнинг телефонини текшириб туринг, кечаси билан ўғлимга SMS ёзади, дея бақи-риб кетди. Уларни аранг тинчлантиридим.

Бир куни кечқурун ишдан чиқиб уйга борсам, онам хомуш ўтирибдилар. Нима бўлди, мазангиз йўқми, деб сўрадим. «Ҳаммаси яхши, болам», дедилар. Қўярда-қўймай, нима гаплигини сўрайвердим. «Бугун сени айттанингни қилиб машинага чиқсан бўларкан. Автобусдан тушаётсан бошим сал айланиб кетди. Бекатдан ўтиб кетиб қолмай, деб шошилиб тушаётиб, бир ёш қизнинг оёғини босиб олдим. Ҳали узр сўрашга улгурмасимдан, опоқи, туфлимни расво қилдингиз-ку, бу туфлим сиздан қиммат туришини биласизми, деса бўладими. Неварам тенги қизнинг зардаси кўнглимга қаттиқ ботди, болам», — дедилар онам жуда хафа бўлиб.

Онамнинг сўзларини эшитиб, тағин ўйлаб қолдим. Одоб, ахлок, маънавият — инсоннинг кўрки экан-да. Афсуски, ёшларимиз орасида ўзини тутишни билмайдиган, одобсизлари ҳам учраб туради...

ТАНБЕҲГА МУХТОЖ КАТТАЛАР

Мактабдаги ота-оналар мажлисига одатдагидек, оналар йифилдик. Мажлис бошланишига анча бор.

— Мажлис нима ҳақда экан, билмадингизми? — сўради олдинги қаторда ўтирган аёл ёнидагидан.

— Билмадим, ёшларнинг кийиниши ҳақида де-
йишаётувди, шекилли, — жавоб берди шериги.

Суҳбат анча қизиди. Ёшларнинг, айниқса, қиз-
ларнинг очик-сочик, калта-култа, тор кийини-
шию кимлардан андоза олаётганлари хусусидаги
баҳс-мунозара қизиб кетди.

Суҳбатга қўшилмай жим ўтирган, ёшига ному-
носиб, пурим кийинган аёлга суҳбат ёқмади:

— Намунча ёшларга ёпишиб олдиларингиз? —
деди энсаси қотиб.

— Нега жаҳлингиз чиқади? — деди ўтирганлар-
дан бири. — Ахир қизларимизнинг кийиниши ҳар
биrimizni қизиқтириши керак-ку.

— Бу фикрларингизга умуман қўшилмайман, —
деди ҳалиги аёл жаҳл билан. — Мен, масалан, қи-
зимнинг шунақа кийинишини хоҳлайман. Ва ўзим
сотиб олиб бераман ҳам. «Модний» кийимларни хо-
зир киймаса, қачон кияди? Турмушга чиққач, кия
оладими-йўқми, худо билади! Шунинг учун қизим-
ни хоҳлаганимдай, замонавий кийинтираман.

— Калта, очик-сочик кийинишини замонавийлик
деб ўйлайсизми? — киноя билан сўради ёнимдаги аёл.

— Бўлмасам-чи? — ҳеч иккиланмай жавоб берди у.

— Хўш, энди айтинг-чи, қизингизга охирги
марта қандай китоб олиб бердингиз? — орқадан
келган овоз кескин эди.

Сумбатидан от ҳуркадиган аёл, афсуски, бу са-
волга тузукроқ жавоб қайтаролмади...

Шу суҳбатдан сўнг кўча-кўйда ёқа-елкалари
очик, калта, тор кийинган қизларни кўрсам, айб
кўпроқ, айрим ота-оналарнинг ўзида эканлигини
тушуниб етаман.

ТЕЛЕФОНДА ҚАНДАЙ СҮЗЛАШАСИЗ?

Бугунги кунда жамоат жойларида ёшларнинг телефонда узундан-узок, аллақандай аралаш-куралаш «лаҳжа»да сўзлашаётганларининг гувоҳи бўламиз. Баъзиларини эса телефонни овунчоқقا айлантириб олган, деса ҳам бўлади. Бу, табиийки, атрофдагиларнинг ғашини келтиради.

Ҳар бир нарсанинг меъёри бўлгани каби телефонда гаплашишнинг ҳам меъёри бор. Телефонда узоқ гаплашиш унга боғланиб қолишига, шартли рефлексга айланиб қолишини, бу эса турли салбий оқибатларни келтириб чиқаришини биламиз. Одамнинг телефонда гаплашаётганига қараб, унинг тарбияси қандай эканлигини билса бўлади.

Бекатда телефонда гаплашиб турган айрим ёшларнинг суҳбатига сиз ҳам бир эътибор қилинг-а.

— Устозингта бир нарса деб, чакагини учир. Ўн бирдан кеч қолмай чиқ. Соғиндим. Сан соғинмадингми? Баландроқ, айт, нима ёнингда бошқаси ҳам борми?..

Яна бошқа бир йигит:

— Ўв, Ноди, манга қара, кеча кечқурун Камолга нима деб SMS ёздинг? Мени билмайди, деб ўйлама. Йигитлар ҳаммамиз ўқиб кўрдик. Нима, мени «лох» қилмоқчимисан?

Кўринишидан талабага үхшаган бир қиз у ёқдан-бу ёққа фоз юриш қилиб телефонда бемалол гаплашяпти:

— Сайд ака, имтиҳон-синовларимни ёпиш учун икки юз минг сўм кетаркан. Дарсларга яхши тайёрланолмадим. Ўқишим керак, десам, кўргинг келмаётган бўлса, бошқасини топаман, деб жаҳлингиз чиқарди, — дея қиз автобус келгач, кафти-

дан катта «планшет»ида жаврай-жаврай автобусга чиқиб, сұхбатни давом эттириди:

— Шаҳзо, кечә жисмөнүй тарбияга чиқмасдан арабчага рақсга түшдингү, үшани анув Диёр телефонига ёзиб олган экан. Ҳаммага күрсатибди. Устоз билиб қолса, жаҳли чиқади. Бир-икки күн дарсга келмай тур. Бирор баҳона топарсан.

ҚИЗИНГИЗ ШАЬНИНИ АСРАНГ

Театр, киноларга тушиб маданий ҳордик олиш, албатта, яхши.

Ҳамкасбимнинг: «Яхши кино экан, айниқса, ёшлар тарбияси учун», деган гапига қизиқиб, кинотеатрга оиласый түшдик. Кино зали турли ёшдағи томошабинлар билан тұла. Орқа үриндиқларни күпроқ ёшлар банд қылған. Интиқлик билан кутилған томошаша бошланды. Ҳақиқатан ҳам, киноасар яхши. Олди-қочди, бачкана эмас. Мавзу дол зарб. Ота-оналар ҳам, ёшлар ҳам күрса бұладиган кино.

Бироқ атрофдаги томошалар ундан-да «қизиқ»лиги эътиборингизни тортади. Бир-бирига сүйкалиб, үпишиб үтирган ёшларни күриб, кимдир томошанинг зүри бу ёқда экан-ку, деди. Үшишаёттанларнинг кино билан умуман иши йўқ, бир-бирига чунонам чирмашганки... Кино тугаб, одамлар кетишга өтілді, аммо улар гүёки атрофда ҳеч ким йўқдек бепарво.

Бундай «томушабин»ларни залнинг орқа үриндиқларида күпроқ учратиш мумкин. Таъбимизни хира қылғани бу ерда болалар ҳам, катталар ҳам бор эди. Бу шармандағарчиликларга кузи тушгандардан кимдир үзини ноқулай ҳис қилди, кимдир ранжиди. Биров: «Йигитлардаги ор-фуур, қиз-

лардаги ҳаё, ибо, андиша қаёқда қолди?», дея атай уларга эшиттириб үтиб кетди.

Бундай ҳолатларга фақат кинотеатрларда эмас, боғлар, бекат, хиёбонларда куппа-кундуз куни ҳам дуч келиш мумкин.

Катта хиёбон ёнгинасида нуфузли ўқув муас-сасаси жойлашган. Ёшлар гавжум жой. Йигит ва қиз бир-бири билан бемалол қучоқлашиб турибди, улар үтиб кетаётган одамларга эътибор қилишмайди.

— Сизни бир дақиқага мумкинми, ўғлим? — ўрта ёшли опахон йигитга юзланади.

— Менми, тинчликми? — ажабланди йигит.

— Ўғлим, қаранг, кўпчилик сизларга ёмон қарайпти. Жамоат жойи бўлса. Ёнингиздаги чиройли қиз уятга қоляпти, бу яхшимас. Қизнинг шаънини асранг, — куюниб гапирди аёл.

Йигит аввал аёлга бошдан-оёқ разм солди, кейин истехзоли кулиб деди:

— Сизни нима ишингиз бор?! Ота-онаммисизки, тергайсиз ёки...

Опахон унга ор-номусли йигит «қизи»ни асршини — шаънига гард юқтирмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Лекин йигит аёлнинг гапидан энсаси қотди, эшитишни ҳам истамади. Ҳар замонда «чирт» этиб тупуриб қўярди.

Холис айтинг, улар ким? Ўзга сайёраданми? Йўқ, албатта. Улар бизга бегона эмас — ўғлимиз, қизимиз, синглимиз, укамиз... Шундай экан, уларни куриб бефарқ үтиб кетишга, лоқайд бўлишга биз — катталарнинг ҳаққимиз йўқ. Уларни тартибга чақириш, танбех, тарбия беришга ҳар биримиз бурчлимиз.

ОТА-ОНА – ОИЛАДА ОЙНА

Катталар юриш-туриши бола учун гүёки ойна. Оилада отанинг хатти-ҳаракати ўғлига, онаники қизига бевосита таъсир қиласди. Боланинг оғзидан қандай сўз чиқаётганига қараб, у қандай оила-да тарбия топаётганини пайқаса бўлади. Шундай оталар борки, нафақат хотинига, балки боласига ҳам сўкиниб гапиради.

– Тезроқ юр-е, онангни... – кўчадан кимнинг-дир бақираётгани, сўнг қаттиқ кулги овози эши-тилди. «Кимдир эрталабдан ичиб олганми», деган хаёлга бориб, деразадан қарадим. Тўрт-беш ёшли болакай йиқилгудек бўлиб отаси томон югу-риб кетяпти. Сотувчи хотиндан сигарет олаётган Тўлқин ўғлини кутиб турибди. Атрофда тўрт-беш-та йигит дам болага, дам отага қараб қўйишарди. Дадаси боласига сўкинганда эса йигитлар хохолаб кулиб юборди. Буни кўриб ота илжайди: «Кўриб қўйларинг, бизнинг ўғилни. Шу пайтдан қулоғини қотириб бориш керак», – деди йигитларга қараб.

Тўлқин ўғли Беҳзодни деярли ҳар куни боғчага шу сўзлар билан «эркалаб» олиб боради. Кичкина Беҳзод бу сўзнинг танишлигини билса-да, маъно-сини тушунмай, дадасига лом-мим демайди. Аммо болага хос хусусият – эшитган сўзларини ичи-да ўз-ўзига гапиргандай шивирлаб такрорлайди. Богчада кўпинча ўйинчоқ ўйнаганида, айниқса, машинасининг гилдираги юрмай қолса, у ҳам шу сўзларни бинойидек қўллайди: «Юрсанг-чи, нега юрмайсан, ҳе, сани...»

– Ўғлингиз Беҳзод яхши, лекин жимитдай бола ўртоқларига сўкиниб гапиради, – деди боғча опа бир куни Тўлқинга. – Ёмон сўзни болалар ҳам ўрганиши мумкин...

Боғча опанинг гапига Тұлқиннинг лоқайдына жавоби шу бўлди:

— Ҳали кичкинаю, қолаверса, ўғил бола бўлса, ҳеч нарса қилмайди!

ЗАВОЛ ТОПГАН БАХТ

Кўп қаватли уйлар олдидағи ўриндиқда Фарида опа хаёл сурис турнибди. Ҳаёт ташвишларидан иироқ, шўх-шодон болаларга қараб: «Менинг Камолам ҳам кечагина шундай қувноқ, баҳтиёр эди. Қизим ғамгин, одамови бўлиб қолди. Ҳаммасига ўзим айборман», дея ўйларкан, бўлиб ўтган воқеалар кўз олдида яна бир бор намоён бўлди.

Фарида дугоналари билан бозорда савдо қилади. Эри Миразиз анча ювош, мўмин йигит. Оилада Фариданинг айтгани-айтган, дегани-деган.

Ёлғиз қизи Камолага совчи келганда Миразизнинг: «Ойиси, қизимиз ҳали ёш, мактабни энди тугатди. 16 ёшда узатиб нима қилмоқчисан? Ҳеч бўлмаса коллежда ўқисин, ҳунарли бўлсин», деганида Фаридага гапи ўтмади. Фарида эрига: «Қанақа тушунмайдиган отасиз? Ахир қизимиз кўзга кўриниб қолди. Келган совчи бегона эмас, Моҳинисо – яқин ўртоғим. Четта қатнайди. Ўзига тўқ, хонадон, қўша-қўша уй-жой, машина... Тамом-вассалом, мен қизимнинг сарполарини тайёрлаб қўйганман. Коллеж-поллеж бўлса, бир гап бўлар. Пул бўлса, чангандада шўрва. Моҳинисо Камоланинг ўқишини ўзим гаплашаман, тўйни тезлаштирайлик, деяпти. У ҳамма нарсани эплайди», дея кескин гапирди.

Тез кунда ўртоқлар хоҳиши амалга ошди – Камола билан Улуғбекка нон синдирилди.

— Моҳинисо, сира қайнонага ўхшамайсан-а, —
хушомад қилди Фарида. — Келинли бўляпсан-у,
ҳали ўзинг келинчакларга ўхшайсан, туф-туф, кўз
тегмасин.

— Бўлмасам-чи, — кибрланди Моҳинисо, —
ҳали ёшман.

Бўлғуси қудалар хурсандчиликдан бир-бирла-
рини қимматбаҳо совғалар билан сийлашди.

Кўп ўтмай, шаҳардаги энг катта ресторонлар-
нинг бирида данғиллама тўй бўлиб ўтди.

Куёв бола «катта бизнесмен» эмасми, тўйдан сўнг
кўп ўтмай, ишига шўнғиди. Қайнона ҳам «тинчib
олгач», хорижга жўнаб кетди. Рўзфор юмушлари-
нинг бари ёш келин — Камоланинг гарданида. Икки
қайнингилнинг уй юмушларига унчалик тоби йўқ,
чунки улар сал эркароқ ўсишган-да.

Девор-дармиён яшайдиган катта ойи, яъни
Моҳинисонинг қайнонаси Муборак опоқи бу
хонадонга кунига камида икки-уч марта ки-
риб-чиқиб, Камоланинг ишларини кўздан кечи-
рарди. Ёш келинга маслаҳат бериш ўрнига, баъзи-
да у билан ўчакишиб ҳам қоларди. Нима қилса-да,
Камоланинг ишларидан камчилик топарди, дакки
берарди.

— Вой, намунча имилламасангиз, келинпошша?
— дерди Камоланинг ўтирган-турганини кузатиб
Муборак опоқи. — Келин дегани чаққон-чаққон
қимирамайдими? Соат ўн бир бўпти, ҳали овқа-
тингиз тайёрмас. Неча марта айтаман сизга, сал
эртароқ туриңг, деб, — жаврай кетди катта ойи.

— Ойижон, соат тўртда тургандим. Овқатни
ҳам бошлаб қўйганман, — деди Камола хушмуо-
малалик билан.

— Катта гапирганда жи-им қулоқ солади-да, —
жеркиди кампир.

— Хўп, ойижон, узр, — дея олди келин ўпкаси тўлиб.

... Бундай ҳолатлар кунда-кунора бўлиб туради. Камола гоҳида ўзини қафасга тушиб қолгандек ҳис қиласди. Бу уйдаги яқин одами — Улуғбек акаси ҳам эрталаб қоронфида кетиб, кечки қоронфида келади. Камола кечқурун эрига ота-онасини анчадан буён кўрмаганини, бироз зерикканини, рухсат берса уларни кўриб келишини илтимос қилганди, эри тутақиб кетди: «Сенга нима етмаяпти, еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлса? Тиллаларга ўраб қўйган бўлсан, яна нима истайсан ўзи? Бўлди қил, чарчаганман. Яна шунаقا дийдиё қиласиган бўлсанг, ота-онангнинг олдига биратўла кета қол»,.

Камола бу уйда уни тушунадиган одам йўқлигидан сиқиларди. Телефонда ойисига бу ҳақда гапирганда, ойиси, кўявер, ҳали қайнонанг хориждан келса, ўзим тушунтираман, дея юпатиб қўярди.

Катта келини Моҳинисо хориждан қайтгач, Муборак опоқи Камоланинг фарзанд кўрмаётганидан, камчиликларидан нолиди. Сўнг Камолага:

— Қачонгача шундай юрмоқчисиз, ана, сиз билан бир кунда тўй бўлган қўшни келин Нигорахон ўғил туғди, — деди.

— Ахир Нигора опам мендан олти ёш катталар-ку, мен ҳам... — дея нимадир демоқчи эди, кампир унинг гапини бўлди:

— О-ҳо! Ҳеч нарсага ярамасангиз ҳам тилингиз бурро-ку! Ҳали сиз неварамга ўн йилдан кейин туғиб бермоқчимисиз? — деди.

— Унаقا демоқчимасман, ойижон. Дўхтирлар ҳам «келинингиз жуда ёш, фарзанд кўришга ҳали тиббий томондан тайёрмас», деганди-ку ойимга, — деди йифламсираб.

Бу уйда ҳар куни шу мавзу мұхқокама қилинадиган бўлди.

Эртасига Моҳинисо қудаси Фаридані уйига чақирди, бу мавзу яна кўтарилиди.

— Энди, ўртоқ, хафа бўлмайсан. Камолаҳонни энг зўр дўхтирларга обордик. Ҳали-вери фарзанд қўрмайди, дейишияпти. Биз ҳам орзу-ҳаваслар билан келин қилгандик. Ўғлининг бефарзанд ўтишини қайси она хоҳлади? Ким билади, балки Камолаҳон бепуштдир. Аммо менинг ўғлим соппа-соғ, ана дўхтирнинг қофозини кўргин, ишонмасанг, — деди Моҳинисо шартта-шартта.

— Ахир қизим ҳали ёш деганимда, бу ёғига ишинг бўлмасин, дегандинг-ку, ўртоқ. Нега бесабрилик қиляпсан энди? Бироз кутайлик, ёшларни бир-биридан айирмайлик, — деди Фарида ялинганиамо.

— Қизингиз соғлом эмас экан, — гапга аралашди Муборак опоқи. — Беттагочарлигию хатоларини қуяверинг, — дея Камоланинг арзимас камчиликларини ҳам санай кетди катта оий.

Бу можарога куёв «ўзларингиз биласизлар», деди лоқайдгина.

Фурур устунлик қилиб келиннинг онаси ҳам гапдан қолмади. Бўлди жанжал, бўлди жанжал.

Кечагина бир-бирларини совға-саломлар билан сийлаган «орзу-ҳавасли» қудағайлар бугун бир-бирларини бисотларидағи бор совуқ гаплар билан «сийладилар». Кесатиқ гапларга ҳақоратлар ҳамроҳ бўлди, орадан андиша қувфин бўлгач, қарғишлар ҳам бўй чўзиб қолди.

Кудачилик кўнгилқолдичилик билан якун топди.

— Гулдай қизимнинг баҳтини барбод қилдиларинг, ўғилларинг ҳам кун кўрмасин, — деди келиннинг онаси алам билан.

— Қарғишиңг ўзингга урсин. Ҳали қараб тур, мен тирик эканман, неварамни тағин онаси ўпмаган қизга уйлантиրмасам, отимни бошқа қўяман, — бўш келмади катта оий.

Фариданинг хаёлидан кечеётган ушбу воқеалар унда қудаларига чексиз нафрат уйғотди. Қилган ишидан пушаймонлик унинг юзида ифодала-ниб турарди. Ҳар доим ҳам «пул бўлса, чангальда шўрва» бўлмаслигига иқрор бўлаётганлигини аниқ илғаш мумкин эди.

УСТОЗ УЯЛИБ ҚОЛДИ

Мактабда икки синф — 6-«А» ва 6-«Г» синф ўқувчилари ўртасида «Алишер Навоий — ғазал мулкининг сultonи» мавзуидаги мушоира-мусобақа ташкил қилинди. Унда ўқувчилар шоирнинг ҳаёти ва ижоди борасида шу давргача олган билимлари билан беллашишлари лозим эди.

Икки синфга ҳам Ўғилой Шаропова она тили ва адабиёт фанларидан дарс берарди. 6-«Г» синфига эса раҳбар эди.

Адабиёт ўқитувчиси иккала синф ўқувчиларига тадбирни қандай ўтказиш ҳақида маълумот берди, у-бу нарсаларни ўргатди. Ғазални яхши ўқийдиганларга ғазал, билими яхшиларни савол-жавобга, уқуви борларни асарлардан парчалар ижро этиш учун ажратиб топшириқ берди.

Ўқувчи дегани қизиқувчан эмасми, дарсдан сўнг бўладиган репетицияни орзиқиб кутиб, айтилган вақтда кечикмай ҳозир бўлишарди. Ахир беллашувда синф шаънини ҳимоя қилиш керак. Фолиблик эса интилганга, меҳнат қилганга насиб этади.

Хар икки синфдан аълочи ўқувчилар – «А»дан Дилдора, «Г»дан Озода гурух сардори этиб тайинланди.

Дилдора табиатан тиришқоқ, ҳаракатчан. Унинг опалари ҳам мактабнинг олди – аълочи, жамоатчи қизлар. Беллашувга тайёрланишда опалари унга ёрдам берди. Дилдора ўргангандарини синфдошлари билан ўртоқлашиб, беллашувга қунт билан тайёрланишиди.

Мушоира-мусобақа беш шартдан иборат эди. Шартлардан бири шоир ижодига бағишилаб альбом тайёрлаш. Дилдора ҳафсала билан каттагина альбом, рангли қоғозлар сотиб олди. Уни ҳар куни дарслардан бўшагач, кечки соат бир-иккиларгача ухламасдан тайёрларди. Баъзида ойиси «Кеч бўлиб қолди, қизим, ухламайсанми», деса, у «Хозир онажон, альбомимиз зўр чиқиши керак». Биз беллашувда, албатта, ютишимиз керак, дерди.

Альбом шунаقا чиройли чиқдики, Дилдора ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсаларни ўйлаб топганди. Навоийнинг суратини газета ёки журналдан қирқиб ёпишириб қўймасдан, ўзи меҳр билан шунаقا ўхшатиб чиздики, мусаввирлардек... Шоирнинг ижодини, фаолиятини акс эттирадиган лавҳалар яратди. Хуллас, альбом ажойиб бир китобга уҳшади.

Ўғилой Шаропова 6-«А» синф билан тайёрланишга кўп ҳам вақт ажратолмади. Бир-икки репетицияни кўргач, «Бўлади, ўзларингиз тайёрлана-веринглар, менинг вақтим бўлмаяпти», деди.

Йўқ, аслида устоз иккала синфни бир кўзда кўрмади. У кўпроқ ўзининг синфи ғолиб бўлишини хоҳларди. Шунинг учун ҳам ўзининг синфига кўпроқ вақт ажратди.

Ахил, уюшқоқ, аълочилари, қолаверса, ақл-заковатли, жамоатчи Дилдорадек фаол ўқувчилари бор бу синф ўқитувчининг вақтига қараб ўтири-масдан, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланди.

Бир куни куйди-пишди Ойбек гап топиб келди:

— Устоз бизга, вақтим йўқ, дейди, эртадан кечгача ўзининг синфи билан банд бўлгандан кейин бизга вақти қолмайди-да, — деди у. — Ишонмасанглар, дарсдан кейин пойлаймиз.

— Устоз ҳақида бундай дейишга уялмайсанми? Устозлар ёлғон гапирмайди. Бошқа унақа дема, эшитсалар, хафа бўладилар, — деди Дилдора синфдошига.

13-14 ёшли болаларнинг юзларида қизиққонлик акс этса-да, барибир бола қалби беғубор, соддадил, ишонувчан, кўнглида кир бўлмайди, шумликни билмайди. Шу сабаб ҳамма Дилдоранинг гапига ишонди, маъқуллади. Бу мавзуда бошқа гап бўлмади.

Ниҳоят, кутилган ҳаяжонли кун келди.

Мактаб ҳовлиси байрамона безатилган, ўқувчию ўқитувчilar йиғилган. Қиши фасли бўлса-да, ҳаво илиқ.

Мактаб директори беллашув бошланганини эълон қилди.

— Устоз, сценарий қофози сизда эди, бера қолинг, — сурари Дилдора.

— Қофоз йўқолиб қолди, кетма-кетликни биласан-ку, ушандай қилиб бошлайверинглар, — деди Ўфилой Шаропова.

— Ана, Озоданинг қўлида бор-ку, келиб-келиб бизники йўқоладими? — деди чўрткесар Ойбек бу ҳолга чидаб туролмай.

— Билмадим, қаёқقا йўқолди, ҳайронман, — деди устоз парвойи фалак. Аммо қофозни уларга атайин бермаганди.

— Хавотирланманглар, — деди Дилдора эсан-кираб қолмасдан үзини қўлга олиб, — эплаймиз!

Хотирасининг яхшилиги Дилдорага қўл келди — кимдан кейин ким нимани ижро этади, барчасини қойиллатди.

Навбат беллашувнинг савол-жавоб қисмига келди. Иккала гуруҳ ўқувчилари бирининг саволига бири жавоб беряпти, баҳс-мунозара қизғин тус олди. Навбат сардорлар беллашувига берилиди.

— Алишер Навоийнинг машҳур «Чор девон»идаги асарлар номини айтинг? — савол берди Дилдора.

Кутимаган саволдан гуруҳ сардори Озода қишин вазиятга тушиб, үзини йўқотиб қўйди. Сўнгги умиди жамоадошларидан эди. Уларга илинж билан бокди. Улар ҳам жавоб тополмай кўзларини сардордан олиб қочишиди.

— Устоз, қаранг, дастурдан ташқари савол, — деди Озода довдирааб.

Фала-ғовур бошланди. Ҳайъат аъзолари буни саволга жавоб излашяпти, деб тушунишди.

Ўғилой Шаропова ҳайъат аъзоларининг ёнига келиб:

— Дилдора гирромлик қилди, дастурдан ташқари савол берди, индамайсизларми? — деди.

— Тинчлик сақлансин, — деди мактаб директори фала-ғовурни босиб.

— Нега бундай бўлди, қизим? — Дилдорадан сўради директор босиқлик билан.

— Сценарий қофози йўқ эди, шунга бироз, — деди Дилдора ерга қараб.

— Қаерга йўқолди? — сўради директор.

Дилдора индамади.

— Устоз йўқотиб қўйдилар. Нима қипти, савол дастурдан ташқари бўлса? Дарсда бу мавзу ўтилган-ку, — деди олдинга югуриб чиққан Ойбек.

Орага жимлик чўқди.

— Жавобини ўзинг айта оласанми? — директор қизиқиб сўради Дилдорадан.

— Алишер Навоийнинг «Чор девон»идаги асарлар қўйидагилар, — тилга кирди Дилдора, — «Фаройиб ус-сифар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавойид ул-кибор», — дона-дона қилиб са-нади сардор.

— Ба-ра-кал-ла! Ба-ра-кал-ла! — атрофдан то-мошабинларнинг олқишилари янгради.

Тадбир якунида гуруҳларнинг ҳар бир шарт бўйича олган баҳолари эълон қилинди.

— 6-«А» синф тайёrlаган альбомни қуринг, то-моша қилинг, — деди ҳайъат раиси. — Қойил қолиш керак. Фирромлик ким томонидан бўлди, ҳаммаларингиз фаҳмлаган бўлсаларингиз керак, хуллас, бу беллашувда 6-«А» синфи мутлақ ғолиб!

Дилдора эсдалик совғаларни қабул қилиб олар экан, йиглаб юборди. Уни ҳамма юпатишга тушди. Негадир бу вақтда Ўфилой Шаропова қўринмай қолганди.

«БИР ЖУФТ ОҚҚУШ» РАҲСИ

Танишлардан бирининг никоҳ, тўйига бордик. Кечага зеб бериб турган келин-куёвни мисоли бир жуфт оққуш, дейсиз. Уларга кимдир сукланиб, кимдир ҳавас билан қаратди. Келинлик либоси қизларнинг ҳуснига ҳусн қўшмайдими! Ҳаммани ўзига қаратган келинчакнинг ибо билан ерга қараб туриши ҳам гўзаллигини янада яққолроқ на-моён этаётгандек эди.

— Дилёра чиройли келин бўлибди, — деди ёни-мизда ўтирган қизлардан бири.

— Оқ либос унга жудаям ярашибди, — маъқуллади дугонаси.

Күпчилик шундай таассуротда эди. Фақат түй охирида...

Түй аввалидаги сокин мусиқа, дилбар қүшиқлар кейинчалик шұх, үйноқи қүй-қүшиқларга уланиб кетди, күпчиликни рақсга чорлади. Келин-куёв ҳам мусиқага ҳамоғанг рақсга тушиб кетди. Келин кимүзарга үйнаёттандек ҳаракатланишда күёвдан қолишмади – сакраб-сакраб үйнади.

Давра қизигандан қизиди. Сал олдинроқ, ке-тишга чоғланганлар бу томошадан күз узолмай, яна қайтиб үринларига жойлашишди. «Бир жуфт оққуш» рақси ҳамманинг эътиборини тортди.

– Келинга шипшитиб қўйинг, үйнамасин, уят бўлади, – деди ёши улуғ онахон келиннинг онасига.

– Қўяверинг, ёшларнинг ҳаётида бунаقا кун бир марта бўлади, – деди она мамнун ҳолда. – Ахир ҳозир рақсга тушиш мода-ку, онахон.

– Замон ўзгаряпти, – деди ўтирганлардан бири.

– Замон эмас, одамлар, удумларимиз ўзгаряпти, десангиз-чи, – деди зиёли экани шундоқ кўриниб турган опахон.

«Замонавий куёв» ҳам келиннинг бу ишидан заррача хижолат тортмади, ори келмади. Ёшларку, майли, уларга ўргатса бўлади, катталар-чи, келин-куёвнинг ота-онаси, ака-опалари даврада бироз ҳаёни сақлаб туришлари лозимлигини уқтирса бўларди-ку.

Ҳа, удумларимиз ўзгариб боряпти, дея куюниб гапирган опанинг гапида жон бор. Тўғри, бугун ҳаётимиизда кун сайин янгиланишлар, ўзгаришлар бўляпти. Ўзгаришлар, янгиланишлар, қулайликлар бўлсин-у, момолардан қолган удумларимиз, ўзбек қизларидағи ҳаё, андиша, ибо ўзгармасин.

Келин-куёв ўзининг тўйида ўзи рақсга тушиши қачондан бошлаб урфга кирди? Четдан кириб

келаётган бундай удумлар миллий урф-одатларимизга путур етказяпти.

Ха энди, түй үйин-кулги билан, дейишиңгиз мүмкин. Аммо бу каби бачканаликларни замона-вийликка йүяверсак, қолаверса, бундай манзара-ларга томошабин бұлаверсак, бу каби иллатлар кейинчалик ҳаммамизга қимматта түшмайдими?

Фарзандини вояга етказиб, унинг баҳтли кунларини күриш, үғил үйлантириш, қызын үзатиши ҳар бир ота-онанинг орзу-ҳаваси. Шунинг билан бирга, фарзандларига бебаҳо удумларимизни асрашни үргатиши ҳам уларнинг муқаддас бурчидир. Ахир неча йиллардан бери қадрлаб келинаётган миллий урф-одатларимиз, удумларимиз уларга содиқли-гимиз билан тирик ва гүзәл эмасми?

СОҒЛОМ ТУРМУШ – СОҒЛОМ ҲАЁТ

Назокат ва Акромнинг түйини чиройли, ҳамманинг ҳаваси келадиган қилиб үтказиши-ю, түйдан ҳам муҳимроқ бұлған икки ёшнинг соғлиғи, турмушға тайёрлиги, тиббий күрик деган масалалар ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Келса ҳам, бунга панжа орасыдан қаращди. Тезроқ түйни үтказиб олайлик, қолгани бир гап бұлар, дегандек...

Холбуки, күёвнинг ота-онаси ва яқинлари унинг руҳий қасаллигини билишарди. Қасални яширсанг, иситмаси ошкор қиласы, деганларидек, Акромнинг хасталиги тезда маълум бўлди. Қанча умид, орзулар билан бир хонадонга қадам қўйган келинчакнинг қадамлари ҳавода муаллақ қолди гўё. Қизгинанинг изтироблари билан энди ким ҳисоблашарди, бунёд бўлмай туриб бузилган оила бадалини ким тўлайди? Ҳақ-ҳуқуқларини тузук англамаган ёшларми, лоқайд катталарми?!

«ҚИЗИМГА ЁРДАМ БЕРИНГ, ДОКТОР!»

Шундай дея үксиб йиглаётган ёш онанинг но-
ласига совуққон одам ҳам бефарқ қарай олмайды.

Шифокор ҳузуридаги қизча тұрт ёшлар, ча-
маси. Сочлари жингалак, киприклари узун-узун,
қош-күзи тим қора. Құғирчоқнинг үзгинаси. Сер-
харакат, бийрон-бийрон гапиради. Бир қараган-
да, қизалоқнинг касаллигига ишонмайсиз. Танаси
соғлом, аммо...

Навбатда туриб бироз зериқди чоги, қизча ойи-
сига хархаша қила бошлади. «Жим бұл!» — сал
қаттиқроқ, гапиреди ойиси қизчага. Қизча баттар
инжиқдана бошлади. Сұнг ойисининг дуч келган
жойидан тишлий бошлади. Оғриқнинг зүриданми,
хижолатданми, аёл қизариб кетди. Невропатолог
уларни тинчлантиришга шошилди. Аёл бироз тин
олгач, шифокорга юзланды:

— Болам чақалоқлигіда ҳам жуда инжиқ әди.
Мана, ҳозирги ақволини күриб турибсиз. Қанча
даволатдик, фойдаси бұлмади. Жаҳли чиқса, ҳеч
кимни, ҳеч нарсани аяб үтирумайды. Давраларда ҳам
хотиржам үтиролмайман, жазаваси тутса, атроф-
дагилар олдида ноқулай бұламан. Болагинамнинг
бундай бүлиб қолишига сабаб нима, илтимос, қи-
зимга ёрдам беринг, — илинж билан бокди она.

— Ҳомиладорлик вақтингизда сиз күп асабий-
лашгансиз, жаҳлдор бұлгансиз, сиқилгансиз. Сал-
бий муносабат, оиласады носоғлом мұхит туфай-
ли бу ҳолатлар күпчилик аёлларда учрайди. Тез-
тез асабийлашиш бұлажак ёш оналарнинг үзига
ҳам, боласига ҳам ёмон таъсир қиласы, соғлиғига
путур етказады. Оиласада бұлажак оналарга етар-
ли ғамхұрлық күрсатылмаса, муаммолар өзчелик

қўйса, узлуксиз ғазабланавериш сабабли уларда оғир руҳий тушкунлик, қон босимининг кўтарилиши, юрак хасталиклари, артритлар, турли кўринишдаги сиқилишлар, дориларга ружу қўйиш ҳолатлари келиб чиқади.

Маслаҳатим: аччиқданаверишдан ўзингизни ти-йинг, ақл билан иш тутинг. Асабни, ғазабни жиловлашни, ўзингизни бошқаришни уddyаласангиз, ишонинг, турли касалликлар, кўнгилсизликлар сиздан узоқлашади. Кўп нарса ўзингизга боғлиқ. Агар билсангиз, яқин-яқингача хотин-қизларнинг, аникрофи, тарбияли аёлларнинг ғазабини намоён қилиши уят саналган. Улар оиласидаги ҳар қандай муаммони босиқлик, мулоийимлик билан ҳал қила олганлар. Уларнинг аёллик фазилати ҳам шунда-да!

Бугунги кунда фан-техника шунчалик ривожланиб кетдики, уларни нақ мўъжизага қиёсласа бўлади.

Скрининг марказлари болани у ҳали она вужудида эканидаёқ соғлом-носоғломлигини аниқлаб беради.

Ультратовушли текширувлар юкли аёлни кузатиш воситаси, буни дунё тиббиёти тан олади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай текширув фақат аниқ тиббий зарурат бўлганда ва онага бирор керакли маълумот бериш учун ўтказилсагина мақсадга мувофиқ.

Кўпинча ёш оналар, айниқса, биринчи фарзандини қутаётганлар ўғил-қизлигини билиш учун қизиқиб қайта-қайта УЗИга тушади. Тиббий маълумотлари етарли бўлмаган бундай ёш оналарга қандай маслаҳатлар зарур, дея биз олий тоифали шифокор-гинеколог Гулчехра Асроровага мурожаат қилдик.

— Бўлажак онага такрор-такрор УЗИга тушиш хавфли эмасми?

— Биз мутахассислар ҳомиладор аёлларга фақат зарур ҳоллардагина бу кўриқдан ўтишини тавсия этамиз. Бўлар-бўлмасга ультратовушли текширувдан ўтавериш яхши оқибатларга олиб келмайди. Албатта, УЗИ заарали, деган фикрдан йироқмиз, лекин нур таъсирида ҳомила тўқималарининг ҳарорати кўтарилиши мумкин. Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигига, яъни ҳомиланинг тери ва тўқималари, марказий асаб тизими жадал ривожланаётган босқичида ультратовуш тўлқинлари ушбу жараёнга таъсир қилиши мумкин. Зарур тиббий эҳтиёж бўлмаса, болани хатарга қўйишнинг кераги йўқ. Кейинги пайтларда баъзи ёш отоналарнинг УЗИ аппарати ёрдамида ҳомиланинг дастлабки ривожланиш палласини «эсдалик учун» дискларга кўчириб олишни урфга айлантираётганларининг гувоҳи бўляпмиз. Бу мутлақо нотўғри иш. Фарзандининг соғлом туғилишини истаган ота-она сабр-қаноатли бўлиши лозим.

«СИЗДАН ПУЛ СЎРАДИММИ?»

Асиликка кетма-кет омад қулиб боқди. Институтни тугатгач, отасининг ёрдами билан ўзининг фирмасига эга бўлди. Кўп ўтмай машина олди. Ўзи ёқтирган қизга уйланди. Хуллас, орзуларига осонгина эриша бошлади.

Бахтдан масур Асиликкабининг қувончи чексиз. Хурсандлигидан терисига сифмаётгандек.

«Э, кел-е, бундай лаҳзаларда қиттаккина отиб олмасам ҳеч бўлмаяпти», — ўйлади йигит. Ўртоқларини учратгани кўнглидаги иш бўлди. Улар яқин

атрофдаги тамаддиҳонага кириб овқатланишди, ичишди...

Тўйига ҳали бир ҳафта бўлмаган куёв уйга ширақайф ҳолда кириб келди.

— Бу нима аҳвол? — деди ўғлиниңгай кайфи борлигини сезган отаси.

— Бугун шунаقا бўлиб қолди-да, — деди Асилбек сал ҳушёр тортиб. — Жўраларим қўймади. Биздан баландлаб кетиб, энди бизни танимаяпсанми, дейишди, шунга... Бошқа қайтарилемайди, — деди эшитилар-эшитилмас. Ва «тергов»дан осонгина қутулганига ичида хурсанд бўлди.

Эртасига яна ичди, сабаби тайёр — «бошоғриғини қолдирмаса бўлмасди»...

Бу ҳолат одатга айлануб қолди.

— Кўп ичма, болам, ахир ёш келин-куёв бўлсаларинг, — деди онаси куйиниб. — Зорманданг зурриёдингга зиён қиласи, уйлаяпсанми шуни?

Энди Асилбекни онаси ҳар куни тергайдиган бўлди. Бу койишлардан иккаласи ҳам зериқди.

Шундай кунларнинг бирида Асилбек онасини қаттиқ ранжитди:

— Тинч қўясизми, йўқми, ичсам ўзимнинг пулимга ичаман. Сиздан пул сўрадимми?! — дея ўшқирди.

Туппа-тузук йигитнинг бу аҳволга тушганидан танишлари ҳайрон. «Сиқилганидан ичса керак-да», деди бирор. «Нима сиқиладиган жойи бор, ҳамма нарсаси етарли бўлса. Оёғининг тагини йўқотиб қўйган бола», — баҳо берди қўшниси. Асилбекка ачиниб тўғри йўлга бошламоқчи бўлганларга у, куролмаяпсанларми мени, деди кибр билан.

Фақат сўнгги пушаймонгина Асилбекни аччик ҳақиқатни тан олдириб, ўзига келтириб қўйди — фарзанди ногирон туғилди...

«САНЪАТГА НАҚҚОШЛИК ТУГАРАГИДАН КИРИБ КЕЛГАНМАН»

Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Сайдкомил Умаров билан сұхбат

1946 йилда туғилған. Тошкент шаҳридаги 22-мактабда ўқиган. Театр ва рассомлик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)да таҳсил олған. 1977 йилда Республика ёшлар мукофоти совриндори, 1989 йилда Ўзбекистонда хизмат күрсатған артист, 2000 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонлари, 2014 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби бўлди. Шу кунгача Ўзбек миллий академик драма театрида 150дан ортиқ телевидениега 50 дан кўп, кинода 25 тага яқин рол ижро этган.

— Сайдкомил ака, яқинда давлатимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландингиз. Умрингиз Ўзбек миллий академик драма театрида ўтмоқда. Театр иккинчи уйингизга айланиб, ҳаётингиз санъатга боғланиб қолган, шундайми?

— Камтарона меҳнатим юксак қадрланиб, эъзозланганидан мамнунман. Биз — санъаткорларга ҳурмат-эътибор, ёшлар маънавиятини юксалтириш, театр ижодкорларини янада руҳлантириб, курсатаётган ғамхўрлиги учун Юргашимиздан беҳад миннатдормиз. Ўз ўрнида, бу орден зиммазига юксак инсоний ғояларни тарғиб этувчи, замонамиз қаҳрамонлари образи яратилған мукаммал саҳна асарларини яратишдек долзарб вазифа, катта масъулиятни юклайди. Қолаверса, яқинда театримизнинг 100 йиллиги муносиб нишонланди. Президентимизнинг Ўзбек миллий академик

драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр жамоасига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Айниқса, у кишининг «Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққоний, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган етук асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман», деган сўзларининг ўзи бизга руҳий мадад, куч-қувват бахш этди.

— Суҳбатимиз бошида, иложи бўлса, анъанавий саволлардан қочайлик, дегандингиз. Аммо таниқли инсонларнинг шахсий ҳаёти, болалиги га кўпчилик, айниқса, ёшлар кўпроқ қизиқади. Қолаверса, қай бир жиҳати ёшлар учун ибрат бўлиши табиий. Сизнинг болалигинги қандай кечган?

— Болалигимиз урушдан кейинги йилларнинг оғир даврларида Тошкентнинг Тахтапул мавзесида ўтган. Падари бузрукворимиз Ҳамро ота темир йўл депосида ишчи, онамиз Зебунисо ая уй бекаси бўлган. Уларнинг беш нафар фарзанди кетма-кет нобуд бўлавергач, катталар ирим қилиб, турар жойларингизни ўзгартиргилар, деган. Шу сабаб Ганга мавзесидан Тахтапулга кўчишган. Бу ерда тўрт ўғил, икки қизли бўлганлар. Тўнгич қизига Пулатой, ўғлига Султонмурод деб исм қўйган. Отамиз ўзи оддий ишчи бўлса-да, ўткир зеҳнли, шоиртабиат, маърифатга ташна инсон эди. Ҳеч биримизга мактабни тутатиб, ишлаб пул топ, демаган. Олий маълумотли бўлишимизни истаган ва шароит яратган.

Уйимизга яқин жойда ҳарбий қисм бўларди. Солдатлар турли жойлардан келган эди. Улар учун ҳар якшанба куни фильм қўйиларди. У ерга биз – беш-олти ёшли болалар девордан яширинча ошиб тушардик. Солдатларнинг бизга ўхшаган фарзанди ёки укаси бордирки, болаларга меҳрибон эди. Бизни шинелларининг ичида яшириб ўтиради. «Тарзан», «Чапаев» каби фильмларни томоша қиласардик. Мен экрандан тушаётган нур, пайдо бўлаётган тасвирдан ҳайратланардим. Актёрларга қараб, булар ким, бу ерга қаердан кириб қолган, деб ўйлардим.

Ўқувчилар саройида ҳар хил тўгараклар бор эди. Мен нақошлик тўгарагига қатнардим. Қишки таътил пайти эди, бирор қўлимга таклифнома тутқазди. Таклиф қилинган жойга борсам, ўқувчилар бири тулки, бири бўри, яна кимдир бобо бўлиб рол ўйнайпти. Билсам, драма тўгараги аъзолари экан. Қизиқиб, бу тўгаракка қатнаша бошладим. Ёш бўлсан-да, санъат, санъаткорлар ҳақидаги сухбатларни яхши кўрардим. Бир куни ёши катта одам билан шу мавзуда гаплашиб қолдик. Ҳалиги киши гап орасида актёрлар шуҳратпараст бўлади, деди. «Актёр одамлар мени танисин, олқишиласин, деб рол ўйнамайди, бу – санъат-ку!» дедим. Жаҳдим чиқиб, фикрини инкор қилдим.

Ўрта мактабни битираётган, тўгаракка қатнаб юрган маҳалим «Ўзбекфильм» қошида студия ташкил қилинганди. Мен бир пайтнинг ўзида ҳам мактаб битириш имтиҳонларини, ҳам студияга кириш имтиҳонларини топширганман. Синовлардан муваффақиятли ўтдим, студияга қабул қилишди. Бирданига съёмкага олиб кетишди. Ёшлик эмасми, кино орқасидан кетиб қолиб, театр институтининг қабулидан кечикибман.

– Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)да таҳсил олгансиз, қандай қилиб санъаткор бўлгансиз?

– Халқ хўжалиги институтининг иккинчи курсида ўқиётгандим. Студиядаги домлаларимнинг ҳаммаси театр ва рассомлик институтида дарс берарди. Улар мендан: «Сайдкомил, истеъододинг бор, нега театр институтида ўқимайсан?» деб кўп сўрарди. Шундан сўнг мендан бир нарса чиқиши мумкин экан, деган ишонч пайдо бўлган. Аммо ўқиётган институтимдан ҳужжатларимни осонликча беришмаган. Қуёш Пўлатович (фамилияси ни эслолмаяпман) деган деканимиз жуда яхши инсон эди. «Бу институтда ўқишни кўплар орзу қиласи-ку, болам, сен нима қиляпсан?» деган. «Опкетмасам бўлмайди», деганман. Ҳайдовчиликка ўқияпман, деб тилхат ёзиб аттестатимни олганман. Қолганини театр институтидаги домлаларим ўртага тушиб, имтиҳондан ўтиши билан қайтариб беради, деб олган. Шундай қилиб, Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олдим.

– Сизни «Алишер Навоий» спектаклида Навоий, «Бобур»да Фазлидин, «Кеча ва кундуз»да Мирёқуб, «Тақдир синовлари»да Жайрон, «Сенга бир гап айтаман»да Йўлдош, «Отелло»даги Кассио каби ролларингиз орқали яхши таниймиз. «Дунёнинг ишлари»! Бу видеофильмни такрор-такрор томоша қилганмиз. Қаҳрамон ижроси-нинг самимийлиги, ҳаётийлиги боис, кўпчилик-нинг қадрдонига айланган ушбу фильмнинг яратилиш тарихи ва у билан боғлиқ хотираларни бир эсга олсак. Суратга олинганига неча йил бўлди, асарда бош ролни ижро этган ўғил Сайдкомил Умаров ўшанда неча ёшда эди?

— Фильм 1981 йилда суратга олинган. Режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов. Суратга олиш учун беш-олти ой вақт кетган. Фильмда фарзанднинг она қабрига бориб, айтадиган гаплари бор эди. Суратта олиш жараёнидан олдин биз — режиссёр, операторлар биргаликда асар муаллифи Ўткир Ҳошимовнинг уйига бордик. Ўткир ака уйда экан, пешвоз чиқди. Кўришдик. Кейин ҳаммамиз Дўмбирободга, аянинг хоклари ётган қабристонга бордик. Режиссёр менга: «Дарвозадан кириб келасиз-да, қабр томонга ўтасиз, монологни ўша ерда айтасиз», деди. Сценарийда: «Онажон, мана қабрингизда гуллар униб чиқибди, чучмомалар униб чиқибди» деган гаплар бор эди... Хуллас, суратга олинди, кўз ёшлар билан. Ўткир ака менга: «Бироннинг онасининг қабрида ҳам шунчалик йиғлайдими, Сайдкомил?!», деди. «У киши фақат сизнинг онангизмас, барча ўзбекнинг онаси», дедим. У киши кўнгли тўлиб: «Раҳмат, раҳмат», дея олди, холос.

Уч-тўрт кундан кейин кадрларни кўрсак, оператор фақат қўлларимни суратга олаверибди-ю, кўз ёшларга аҳамият бермапти. Режиссёрга эса юз ифодаси, кўз ёшлар керак эди. У киши қайтадан оламиз, деди. Қандоқ бўларкин? Нега операторни огоҳлантиргансиз, ахир бунаقا ҳолат ҳадеганда келавермайди-ку, маълум тайёргарлик бўлиши керак, дедим. Йўқ, бошқатдан оламиз, деб туриб олдилар. Қарасам, бутунлай бошқа жойлар. «Мираббос ака, аянинг қабрига бормаймизми?», десам, «Йўқ, Сағбонда ола қоламиз», деди. Ўша ерда қайта суратга олинди. Лекин менинг ҳам, режиссёрнинг ҳам кўнглимиз тўлмади. Хафа бўлдим. Мендан ички руҳий ҳолат бутунлай чиқиб кетди.

Чунки кутгилмаган, бегона жой. Одатда, созандың бирор күйни чалишдан аввал чолғусини созлаб олади, кейин куйлайды. Актёрнинг сози – унинг вужуди, қалби. Үшанда «соз»дан чиқиб кетдим гүё. Бироз ранжиб қайтиб келдик. Кейин учинчи марта студияда тасвирга оладиган бұлдық. Катта темирга, тұнканинг устига «қабр» ясада қўйишибди. Учта саҳна шу ерда олиниши керак экан. Бу эса катта тайёргарликни талаб қиласиды оғир саҳна эди. Улар енгил саҳнадан бошлашди да. Режиссёр бақириб турибди, ҳа, ҳа деб. Барибир ҳали ҳам менда кечинмаларнинг, үйларнинг таъсири бор экан, кўз ёшлар энди кўпайиб кетди. Тугагандан кейин Мирабbos aka «Сайдкомил, яхши бўлди», деди. «Йўқ, энди кўз ёш кўпайиб кетди», дедим. Тасвирларни кўришаётганда бошқалар ҳам шундай дебди. Буни эшитгач, режиссёр ўша жойларини шарт-шарт кесиб ташлабди. Уни кесмасдан, матнни қисқартириб, мусиқа фонида юзни, кўз ёшларни кўрсатавериш керак эди. «Дунёнинг ишлари»нинг ана шундай тарихи бор. Үшанда 35 ёнда эдим.

– Инсон қайси касбда бўлмасин, униб-усиши, юксалиши учун маънавий раҳнамо – устози булиши шарт. Сизга тўғри йўл кўрсатган, ўгитлари қалбингизга муҳрланган инсонлар ким?

– Яхши инсонларнинг шогирди булиш, улар қўлида таълим-тарбия олиш ҳам катта баҳт. «Ўзбекфильм» студиясида устозлардан қўп нарса урганган эканман. Ёшлиқда буни кўпам англаб етмас экансан, киши, энди ҳис қиляпман. Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева, Арсен Файзуллаев, Носир Отабоевдан таҳсил олдик. Улут санъаткорлар билан юриш, бирга нафас олиш одамни ҳар

томонлама тарбиялаб борар экан. Жамоамизнинг ҳар бир аъзосини устоз деб биламан, чунки улардан ҳам нимадир ўрганаман. Республика эстрада ва цирк коллежида етти йил, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида икки йил ёшларга сабоқ бердим. Улар билан спектакллар қўйиш баҳтига муяссар бўлдим.

– «Ўткан қунлар» романини инглиз тилига таржима қилган мутаржимлардан бири «Ўткан қунлар» бугунги китобхон учун ҳар жиҳатдан ибрат бўла оладиган, ўзбек бўлиб туғилиш фахрини яна-да юксалтирадиган ва бутун бир инсоният миллати ҳақида сўзловчи романдир», дея баҳолаган эди. Шу кунларда сиз ушбу асардаги Мирзакарим Қутидор образини яратяпсиз. Қаҳрамонингизга мозийдаги одам сифатида қарайсизми ёки уни замондошингиздек қабул қила оласизми?

– Мирзакарим Қутидор оғир-босиқ, ута мушиҳадали, меҳрибон ота. Яккаю ёлғиз қизи, бори-бисоти Кумушбибини яхши йигитга узатиб баҳтли бўлишини жуда истайди ва шу йўлда ҳаракат қиласди. Унинг кўпгина фазилатлари бугунги кун оталарига ибрат. Шу жиҳатдан, мен унга нафақат мозийдаги одам, балки замондошим деб ҳам қарадим. Ҳар қандай зиддиятни, муаммони вазминлик, ақл билан ҳал қила оладиган, маънавиятни моддиятдан устун қўядиган оталаргина ҳақиқий ота бўла олади.

– Қўшиқ ҳам куйлай оласизми?

– Йўқ, хиргойи қиласман, холос. Аммо яхши куйга тузуккина рақсга туша оламан.

– Масалан?

– «Муножот»га. Шу куй чалинса, билганлар: «Ана, Сайдкомилнинг куий» дейди.

Бутун борлигини санъатга бағишилаб келаёт-ган актёр Саидкомил Умаров ижросидаги роллар ҳақида күп тапириш мумкин. Халқимизнинг севимли санъаткорига 100 билан юзлашган навқирон театрда яна күплаб тақрорланмас образлар яратиш бахти насиб этсин, деймиз.

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ УЗУН

Баъзида ҳаёт ҳақида гап кетганда: «Ҳаётнинг ўзи саҳна», деймиз. Саҳна-чи? Аслида саҳна ҳам айни ҳаёт эмасми? Ҳаётда учрайдиган яхшилигу ёмонлик, адолату қабоҳат, муруввату зикналик, ростгўйлик ва риёкорлик... Буларнинг бари ҳаётда учрайдиган тушунчалар. Саҳна санъати орқали эса уларни жонли талқин этиш, инсон қалбида нозик туйғуларни уйғотиш мумкин.

Республика Ёш томошабинлар театри артисты Дилябар Абдулазизова Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ артисти» унвони билан тақдирланди. Биз ҳам санъаткорни юксак унвон билан қутлаб унинг босиб ўтган ҳаёт манзиллари, машаққатлари, сабрбардоши, қўйингки, эришган муваффақиятларининг сиру асрорларидан воқиф бўлдик ва кўнглимииздан бу ёшларимиз учун ҳам ибратли бўлса, ажабмас, деган ўйлар кечди.

Саҳнага ошуфталиқ

Авлодида умуман санъаткорлар бўлмаса-да, жуда эрта – қизалоқлигидан унинг митти қалбида майсадек ниш уриб чиқаётган санъатта бўлган ҳавасга ота-онаси унчалик эътибор бермади. Пайқашганда ҳам отаси хайриҳоҳ бўлмади. Отаси Мирсобит ака

ҳарбий соҳада, онаси Мунира опа боғчада тарби-ячи эди. Мактабга чиққач, у ерда ўтказиладиган тадбирларни кузата туриб, кўнглида бир илинж пайдо бўларди: «Мен ҳам рақсга тушсан, қўшиқ куйласам». Ҳавас ҳаракатни бошлаб келди. Энди тадбирлар Дилбарсиз ўтсин-чи? Спектаклларда роллар ижро этиш, кейинчалик мактабдошлари билан ўзлари спектакллар саҳналаштиришлари унинг севимли машғулотига айланиб борди. Тадбирларда ўтадиган ҳар бир дақиқадан кўнгли таскин топарди. Шу алфозда орзулади олгая борди.

Болаликнинг беғубор дамларида саҳнага ошуфта бўлди. Айниқса, ижродан кейинги қарсакларда қандайдир сеҳр бордек эди. Нигоҳларнинг унга ҳавас ила боқиши, олқишлиар унга баҳтиёрик баҳш этарди. Ва шу паллаларда: «Албатта санъаткор бўламан», деган қатъий фикрлар кўнглидан кечарди. Аммо ота-онаси унинг шифокор бўлишини хоҳлашарди. Дарсдан сўнг ука-сингилларини ҳам томошаларга олиб борарди. Отасидан яширинча тўгаракларга қатнашарди. Мактабни битиргач, етарли билим ва истеъоди туфайли Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ўқишига кирди. Устозлари Розия Усмонова, Раҳимжон Сайфиддиновлардан санъат сирларини ўрганди.

Болаларни алдаб бўлмайди

Актрисадан илк роли ҳақида сўрасангиз, уни ҳали ҳам ҳаяжон билан эслайди. Негаки, ўшанда ёш актриса забардаст санъаткорлар – Ўзбекистон халқ артистлари Воҳид Қодиров, Манзура Ҳамирова, Муҳаббат Йўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Минавара Муҳаммедова, Тамара

Ҳамдамовалар билан бир саҳнада рол ижро этган. Улар шогирдларга ҳам саҳна, ҳам ҳаёт сабофини ўргатишганини меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан хотирлайди.

Бугунги кунда ўзи етук санъаткор, талай шогирдларнинг устози эса-да, саҳнага чиқиши олдидан ҳозир ҳам ҳаяжонга тушади. Негаки, кўпчиликнинг қаршиисига чиқиб, ҳаёт сабофи бўлган спектаклларда рол ижро этишнинг жозибаси ҳам, юки ҳам борлигини санъаткор чуқур ҳис қилади. Томошабинларнинг барчаси ҳам битта образни яратиш қанча вақт, қанча меҳнат талаб қилишини, бир спектаклни яратиш учун ойлаб, баъзидаги йиллаб вақт кетиши ҳақида билишармикан? Томошабинни, айниқса, болаларни ишонтириш мушкул. Чунки болалар ёлғонни қабул қилолмайди. Уларни алдаб бўлмайди.

Илк ижод иштиёқи ёки ҳаёт ташвишлари

Институтни тамомлагач, ижодини Ўзбек миллий академик драма театрида зўр иштиёқ билан бошлиди. Аммо ҳаётда шодлик билан қайфу ёнма-ён келади, деганлариdek, шу йили онаси оламдан ўтди. Отаси бошқа аёлга уйлангач, эр-хотин болаларни ёлғиз қолдириб, бошқа жойга кўчиб кетишиади. Энди уч нафар ука-сингилларига қарашиб лозим. Ҳаракатчан қиз мاشаққатлар олдида довдираб қолмади, ҳам ишга қатнар, ҳам укаларининг дарсини тайёрлатар, кирларини ювар, ош-овқатсиз қолиб кетмасликлари учун тиришар эди. Чунки опа уларнинг эртаси ёруғ бўлишини астойдил истарди. Мақсадга етишиш учун эса жон куйдирмаса бўлмаслигини яхши биларди. Қаровчиси

йўқлиги сабабли у театрнинг кечки репетицияларига қатнай олмади. Шунинг учун ҳам кундузи ишлайдиган болалар театрига ишга ўтди. Ўшанда ука-сингилларини ташлаб қўймай, уларга онадек меҳрибонлик қилгани учун улар опаларини ҳозир бошларига кутаришади.

Санъатга йўл ёки иқрорлик

Дилбар Абдулазизова 1973 йилда Ёш томошибинлар театрига ишга келди. Каранг, мана шунга ҳам қирқ йил бўлибди. Аммо шу йиллар давомида у қўшимча таътилга чиқмади, касаллик варақаси нима эканлигини билмади. «Буни, сира касал бўлмаган экан-да, деб тушунманг», – уқтиради бизга опа. «Иситмалаб қолган пайтимида ҳам спектакль ўйнаган вақтларимиз бўлган». Катта-кичик бир юз ўттизга яқин ролларни ижро этди. Актриса ҳеч қачон рол танламади. Санъаткор катта-кичик ролларда тобланади, дейди у. Тадбирларда, кимдир касал бўлиб қолганда ҳам, сафарга борасиз, де-йишса, ҳеч эътиroz билдирамасди. Гастроль сафарларида бўлганида, болаларига бувиси ва сингилла-ри Мавруда, Гулнора қараб туришарди. Албатта, биринчи ўринда уни қўллаб-қувватлаган инсон турмуш ўртоғи эди. Санъаткор шунинг учун ҳам умр бўйи у инсонга суюна олди.

Ваъда вафоси билан гўзал бўлди

Ундан-бундан совчилар келса, актрисани уларнинг бойлиги қизиқтирмасди. Улардан фақат биргина сўрори бор эди, холос – уни кейинчалик ҳам шу соҳада ишлашига рухсат берадиларми? Театрда эндингина иш бошлаган ёш актриса бир

куни спектакл тугагач, автобус бекатига кетаётса, кимдир уни чақирғандай бўлди. Қараса, нотаниш йигит, аммо таниш чеҳра. Мухлисларидан экан. Спектакл кўргани тез-тез келиб тураркан. Санъат борасида бироз гаплашишди. Кейинчалик бу мухлис тушмагур ҳар кун қизнинг йўлида пайдо бўладиган бўлди. Қиз унга қўнглидагиларни шартта-шартта айтди-қўйди – «Мен санъатсиз яшолмайман. Бўлажак турмуш ўртоғим тўйдан кейин ҳам мени театрда ишлашимга тўғаноқ бўлмаслиги керак». «Мухлис» рози бўлди. Сўнг қизга чиройли товус патини совға қилди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Мана, қарийб яrim асрдирки, ваъда ўз кучида. Ҳаётдаги ягона сұянадиган инсони – турмуш ўртоғи. Икки фарзандни тарбиялаб улғайтиришди. Қизи Нилуфар ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик институтида француз тилидан дарс беради, ўғли Улуғбек эса инглиз тили мутахассиси.

Турмуш ўртоғи Қўчқор Абдулазизов аслида режиссёрик таҳсилини олганди, лекин бу соҳада ишламади. Чунки улар шаҳардан ташқарида, жамоа хўжалигида яшашарди. У пайтлар кимдир жамоа хўжалигига аъзо бўлмаса, ҳовли-жой олиб қўйилиши мумкин эди. Рафиқасининг санъатни жон-дилидан севишини билган турмуш ўртоғи уни театрда қолдириб, ўзи жамоа хўжалигида ишлашни маъқул кўрди. Қайноаси келинининг театрда ишлашига қарши эди, болали бўлганида: «Бўлди энди, қизим, театрда ишламайсиз», деди. Турмуш ўртоғи рафиқасининг санъатни давом эттиришига онасини ҳам кўндирган.

«Ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам ўлмагин!»

Дилбар Абдулазизованинг кўпгина роллари бир жиҳати билан эсда қоларли бўлган. Масалан, «Баҳор қайтмайди» видеофильмида ижро этган роли – Лобар шахсий ҳаётида катта ўзгариш ясаган. Турмуш уртоғи билан учрашиб юрган маҳалларда шу видеофильм намойиш этилаётганди. Келин қайғусида юрган опаси фильмни кўра туриб укасига (уларнинг муносабатидан мутлақо бехабар ҳолда) шу қиздай келининг бўлса, дейди. Шундан сўнг Қўчкор ака Дилбарни янада синчковлик билан кузата бошлади. Актрисанинг бу ролини турмуш уртоғи шу қадар ҳурмат қиласардики... Укасининг қизчасига шу қаҳрамоннинг номини ҳам қўйди.

Яна бир воқеа. Никоҳлари бўлаётган куни ҳам спектакл намойиши бор эди. У шу спектаклда рол ижро этарди. Спектаклни тугатиб, никоҳга анча кечикиб борган. Ўшанда келинни янгалар апил-тапил кийинтиришди. Келинойиси орқасидан фатани олиб юргурган, яна бирор кўйлагини. Хуллас, актриса «интизомсиз» келин бўлиб чиқди.

«Қорақум фожиаси» спектаклидаги Жамол Дилбар Абдулазизованинг севимли ролларидан. Спектакл тугагач, Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов унинг ёнига келиб: «Авваллари сени танимас эканман. Қойил қолдим! Яша, ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам ўлмагин!» деб, пешанасидан ўпган эди.

Актрисанинг ижодини кузатар эканмиз, у талқин этган ролларнинг аксарияти ҳайвонлар образи. Аслида инсонлар образини яратишдан кўра ҳайвонлар образини яратиш анча мушкул иш. Шундай бўлишига қарамай, Дилбар Абдулазизова

ҳар бир ролини маҳорат билан ижро этади. Буни мухлислар актрисанинг ўзига кўп бора таъкидлашган. Бир спектаклга тарбиячи болаларни олиб келган эди. Спектакл тугагач, ҳалиги тарбиячи: «Ролингизни куриб музлаб кетдим, шунақаям тошюрак бўладими?» дея астойдил хафа бўлган. Ҳа, бу санъаткорнинг ютуғи аслида.

2000 йилда «Алпомиш» спектаклида Алпомишнинг оти – Бойчибор образини яратди ва бу роли унга омад олиб келди. Шу йил актриса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди.

Қашқадарёда ўтказилган катта фестивалда «От кишинаган оқшом» спектаклида От образини талқин этганида ҳайъат аъзолари ҳам унинг маҳоратини алоҳида эътироф этишганди.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин...

Эртаклар – эзгуликка етаклар

Дилбар Абдулазизова Эртак-спектакллардан «Қизил шапкача»да Тулки, «Уч чўчқача»да Нафнаф, «Сехрли соатча»да Алёнушка, «Балли, улоқча»да Улоқча, «Уч мушкетёр»да Миледи, «Юмпаваари»да Татуу, «Қор маликаси»да Қор маликаси, «Олтин жўжга»да Тулки, «Наврӯз ва бойчечак»да икки рол – мушук ва хўroz, «Али-Вали»да Дилбар, «Мушук-сичқон»да Мош, «Кирол буғу»да Смеральдино, «Тузоқ»да она, «Асорат»да Пошшохон, «Гаврош»да Эпонина, «Карра-карра»да Лола, «Учар табиб»да Масхарабоз, «Меш полвон»да буви, «Дала сайли»да Тепанни каби кўплаб ролларни ижро этди. Ҳар бир роли орқали болалар қалбида эзгулик туйғуларининг уйғонишида ҳиссаси борлигидан ўзи ҳам болаларча

қувонади. Чунки эртаклар ҳамиша эзгуликка етаклади. Эзгуликнинг эса умри узундир.

«МЕНГА ШУ КЎК АЗИЗ, ШУ ТУПРОҚ АЗИЗ»

Неча минг йилдирки, дунё чархпалаги тинмай айланиб келади. Инсон ўзига инъом этилган ҳаётини, умрини эзгу амаллар билан ўтказиш мақсадига интилади, ҳаракатдан тўхтамайди. Фалакнинг гардиши айланиб, ҳаёт ҳам давом этаверади. Ҳаёт – умримиз, умр гўё – саноқ чўплари – оқ ва қора ранглардан иборат. Фасллар алмашиниб тургани каби ҳаётимиз ҳам оқ ва қора ранг, ёруғ ва қоронги паллалар билан алмашиб туради. Гўзаликка, эзгуликка эҳтиёжманг кўнглимиз ҳаётнинг оқ ранги ва ёруғ паллалари кўпроқ бўлишини истайди.

Адабиётнинг хизмати ҳамиша қоранинг оқча айланиши, зулмат чекиниб, ўрнига ёруғлик бўй кўрсатишига эришишдир. Бу йўлда сўз санъаткорларининг меҳнати бекиёсдир. Шундай шоирлар борки, шеърларини ўқисак, кўнглимиз ҳаётга ошиқлик, Ватанга ошуфталик билан тўлишиб, янада ўсиб бораверади. Ундалар ўқувчининг, кўпчиликнинг – халқнинг эътибору эътирофига сазовор бўлади. Шундай оташнафас шоирлардан Иқбол Мирзо ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасига Президентимиз фармонига кўра «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон халқ шоири, сенатор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Иқбол Мирзо билан бўлиб ўтган сұхбатимизни эътиборингизга ҳавола қиласиз.

– **Болалик – умрнинг беғубор, баҳтиёр палласи. Сиз болалигинизни қандай эслайсиз?**

— Эрталаб телевизорда бир фильм томоша қилдим. Узоқ тундра ва иккита айиқ боласи ҳақида экан. Айиқчалар оппоққина, момиққина, күзлари мунчоқдек, қараб туриб завқданасиз. Бир-бири билан қувалашиб, юмалаб-юмалаб ўйнайди. Жониворларни ҳаётнинг оғир синовлари, хавф-хатарлари кутяпти, улар эса бундан мутлақо бехабар, ота айиқлар айиқчаларни бўғиб ўлдириши мумкинлигини билмайди, ҳаёлига ҳам келтирмайди (айиқларнинг ҳаёти шундай: ота айиқ жинсдош боласини бўғиб ўлдиради). Уларнинг беғуборлигини кўриб инсон болалиги ҳам шундай-ку, деб ўйладим. Болалиги уруш вақтларда, қаҳатчиликда ўтса ҳам, барибир ўша болаликни қўмсаб эслайди. Бизнинг болалигимиз ҳам совет даврининг, шуронинг чириётган таназзул пайтига тўғри келган. Эсимни таниган пайтларим телевизорда айтилаётган гапларни эшитиб, газетадаги мақолаларни ўқиб, ҳаёт бу қадар зиддиятли эканига ҳайрон қолардим.

Бизнинг қишлоғимизда, мактабимизда булаётган воқеалардан Тошкентдагиларнинг, Москвадагиларнинг хабари йўқ, деб ўйлардим. Кейин билсан, ҳамма ерда шу аҳвол: шу тизим, шу система экан. Чириган империя. Чириганининг сабаби — эътиқоднинг йўқлиги экан. Масалан, коммунистик эътиқод ёки партия ҳақидаги масалаларнинг ҳаммаси пуч гояларга қурилгани бугун ҳаммага маълум. Болалигимиз бугунги кун ёшлириникидек беками кўст ўтган деёлмайман, етишмовчиликлар кўп эди. Мактабимизда оддий стадион ҳам йўқ эди. Мен футболга роса ишқибоз эдим. Мактабимизда биттагина ҳам тўп йўқ эди. Болалар билан пул йифиб олардик. Сумкаларимиздан «дарвоза» ясад футбол ўйнардик. Энг ачинарлиси, пах-

та сиёсатининг оғир, аёвсиз лаҳзаларига ташвишиз, беғубор болалигимиз, илм олишга ташна ўқувчилик даврларимизни алмашганмиз. Яхши эслайман: кичкина болачалар ҳам янги йилдан кейин – 5 январларгача қаҳратонда қўллари ёрилиб кетган ҳолда дилдираганча пахта терарди. У пайтларда кимнингдир оила аъзоларидан бири шу кун пахта теримига чиқмаса, хонадонидаги электр чироғини ўчириб кетиши аниқ эди. Ўша пайтларда пахтанинг тезпишар навларини яратиш ҳақида гап бўлгану, лекин амалда ҳеч гап йўқ эди. Ўта қотиб қолган тизим бўлган экан-да. Мана, пахтани совуқ кунга қолдирмай, бор-йўғи бир ойда йифиб-йифишириб, режани бажарив олса бўларкан-ку. Мустақиллигимиз шарофати шу-да.

– Бир учрашувда болалигим шеър билан овуниб, китобларга андармон бўлиб ўтган, деб эслагандингиз... Улар қандай китоблар эди?

– Ўша қийин шароитларда ҳам биз китобни яхши кўрардик. Пахта даласида ҳам қўлимиздан китоб тушмасди. Ўша пайтдаги мутолаадан, китоблардан олган завқ, билим бизга болаликдан нақд қолгани экан. Мен тарихий китобларни яхши кўрардим. Бундан ташқари, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Фузулийнинг китоблари севимли ва қадрли эди.

– Илк ёзган шеърингизни қандай эслайсиз, уни қачон ёзгансиз?

– Биринчи шеъримни етти-саккиз ёшларимда тоғам, шоир Гулом Абдулла таъсирида ёза бошлиғанман. Қолаверса, дадам адабиёт ўқитувчиси бўлган. Ўша шеър туманимизнинг «Авангард» газетасида чиққан. «Мусича» деб номланиб, шундай сатрлари бор эди:

*Мусича, ҳой мусича,
Гапга қулоқ бер пича.
Сенга атаб қурдим ин,
Унда яйраб яшагин.
Керакмас хасу хашак,
Унда бордир пар түшак...*

Лекин улар шунчаки машқлар эди, холос. Чинакамига кейинроқ, йигирма ёшларимда шеър ёзадиган бўлдим. Муҳаббат туфайли қалам тебратадиган бўлдим. Кейинчалик бу туйғу Ватан ишқига, юрт севгисига айланди.

— Истиқлол йилларида кўплаб соҳалар сингари адабиётга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ӯлароқ, Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасида «Ижод» фонди ташкил қилиниб, мана бир неча йилдирки, «Биринчи китобим» лойиҳасида юртимиз ёш ижодкорларининг китоблари минглаб нусхаларда чоп этилмоқда. **Мана шу хайрли ишлар хусусида тўхталсангиз.**

— Ёш истеъдодларни юзага чиқаришнинг муҳим амалий ифодаси сифатида 2011 йилдан бошлиб истеъдодли ёшларнинг «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида илк китоблари катта нусхаларда чоп этиляпти. Ва улар республикамиздаги мактаб, академик лицей ва коллеж ахборот-ресурс марказларига бепул тарқатиб келинмоқда. Ўтган қисқа муддат ичидаги ҳаммаси бўлиб 31 номда, жами 550000 нусхада «Биринчи китобим» туркумидаги китоблар чоп этилди. Ёш қаламкашларнинг замонавий дизайндан бежирим муқовали, сифатли саҳифаланган илк китобчаларига мен ҳам суқлашиб қарайман.

— Бугунги ёш ижодкорларнинг юрагида ўтмиш залолатидан қолған довлар йўқ. Улар озод

ва обод юрт фарзандлари, уларнинг юз-кўзларида ҳамиша қувонч, дилларида олам-олам орзулар бор. Айнан «Биринчи китобим» муаллифларининг шеърлари ҳам шунга ҳамоҳанг...

— Албатта. Йигирма йил илгари Ватан ҳақида битта-иккита қушиқ бўларди. Ҳозир бу мавзудаги шеър-қушиқлар кўпайди. Мана, қанақанги ёшлар етишиб чиқяпти. Уларга бугун имкониятлар жуда кўп.

— **Кўпгина шеърларингиз нозик туйғулар — юрт ишқи билан лиммо-лим. Шоир ким, сизнингча?**

— Шоир миллат тақдиди учун масъул шахс. У ўз халқисиз ҳеч ким, ҳеч нарса эмас. Шоир — юрт фарзанди. У бир дараҳтки, Ватан тупроғида ўсади, мева беради, уни бошқа жойга ўтқазиб бўлмайди, у фақат бир ерда кўкаради. Назаримда, халқни эргаштирадиган, кўнглини кўтарадиган, уни тўғри йўлга эргаштирадиган, унга керак бўладиган одам шоирдир.

— **Замонавий шеърият, замонавий қаҳрамон қандай бўлади?**

— Юз йиллар бурун ҳам бизнинг шоирларимизнинг китоблари босмахоналарда чоп этилган. Лекин у китоблар, асосан, одамни ҳаётдан совистадиган, таркидунё қилишга даъват этадиган шеърлар бўлган. Муқимий, Фурқат, Завқийларнинг китоблари чоп этилмаган. Чоп этиладиганлари эй одам, ҳаёт ўтиб кетади, ҳеч нарса қилма, бугунми, эртами барибир ўласан, деган маънодаги, қабр азоби ҳақидаги шеърлар бўлган. У пайтлар шундай шеърларга кўпроқ эътибор берилган. Босқинчиларнинг мустамлака халқнинг кўнгли ҳаётдан совисин, бизнинг ишимизга аралашмасин, айтганларимизга итоат қилсин, деган мақсади

бўлган. Шунинг учун улар шу сиёсатни қўллаган. Аслида одамга инсонлигини эсга соладиган шеър ҳақиқий шеър. Бу – ёзилмаган талабдир. Инсонни ҳаётдан совитадиган шеърлар адабиётнинг соя томони. Афсуски, кейинги пайтларда адабиётта яқин бўлмаган нарсаларни шеър деб аташ анъана-си пайдо бўлди. Айниқса, интернетдаги интернет имлонинг пайдо бўлгани мени ижодкор сифатида ташвишга солади. Ҳақиқий шеър фақатгина зорланишдан иборат бўлмайди. Одам бошига фожия тушиши мумкин. Лекин шу одамнинг ноласида ҳам ҳаётта муҳаббат бўлиши керак. Шундагина у ҳақиқий адабиёт бўлади.

– Сизнинг ижодкор маҳорати, истеъододи ҳақидаги қарашларингиз ёш ижодкорлар учун қадрли...

– Ёшларимиз мумтоз адабиётни яхши билишлари керак. Жуда бўлмаса, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Сирохиiddин Сайд, Усмон Азим каби устозларимизнинг шеърларини ўқишлари керак. Ёшларга тилагим шуки, жудаям катта, жудаям камёб адабий бойлигимиз бор. «Девону луготит-турк»дан бошлаб, «Мезонул-авзон»гача, «Темур тузуклари»дан тортиб, антик дунё тарихини ҳам ўқиб-ўрганишларини, юрагида сақлашларини хоҳлардим. Мумтоз адабиётни тे-ранроқ ўрганишларини, мумтоз санъатимизнинг қадрига етишларини хоҳлардим. Шундагина куни келиб, ўzlари ҳам ёшларга маслаҳат беришлари мумкин.

МУНОСИБ БҮЛ

Муносиб бўл!

Муносиб бўл!

Муносиб бўл боболарга!

Оlam аҳлини уйғотган даҳоларга.

Оққан дарё оқар, қўшил дарёларга,

Муносиб бўл, бобомерос дунёларга,

Боболарга муносиб бўл, боболарга!

Faфлат билан лоқайдликни дўст тутмагин,

Бегонанинг ҳимматига кўз тутмагин.

Сен кимларнинг авлодисан, унумагин,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Боболаринг от ўйнатиб дунё кезган,

Фақирларга муруватли қўлин чўзган.

Улугбеклар от устида юлдуз узган,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Гул бўлса гар ўз даласин гули бўлган,

Қул бўлса гар ўз кўнглининг қули бўлган.

Бу кўнгилда Ватан бўлган, эли бўлган,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Навоийнинг навосига тўлган дунё,

Сино малҳамидан одам бўлган дунё,

Соҳибқирон кулса, баҳти кулган дунё,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Кўз тегмасин юлдуз қўнган кўз-қошингга,

Юксал, дўстим, интил толе қуёшингга.

Суян фақат ўз юртингга, юртдошингга,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон ҳалқ шоири

ЯХШИ ҚҰШИҚ ТИНГЛОВЧИСИНИ ТОПАДИ

«Ҳар бир халқа унинг фарзандлари орқали баҳо берилади», деган эди дунё таниган шоир Расул Ҳамзатов. Не-не улуғ мутафаккирлар, олиму фозилларни тарбиялаб, жаҳон тамаддунига катта ҳисса құшган халқимизнинг бугун ҳам истеъодоли фарзандлари күп. Улар қайси соҳада бўлмасин, ўз салоҳияти билан шу азиз юртга муносиб бўлишга ҳаракат қилишади.

Хушовоз хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова ҳам халқимизнинг ана шундай истеъодоли фарзандларидан.

Ўзбек қўшиқчилук санъатига шиддат билан кириб келган Гулсанам Мамазоитова ўтган йиллар давомида кўплаб дилтортар қўшиқлар куйлади ва содиқ муҳлисларини ҳам топди. Миллий эстрада ва классик йўналишдаги ўзига хос шиддати кўнгил тувидан оқаётган дарёга монанд, қалб кечинмаларининг чин куйчиси бўлган хонанда овози, қўшиқлари билан кўнгиллардан жой олиб келмоқда.

Гулсанамнинг аксар қўшиқлари Ватан ҳақида. У юрагидаги қайнот ҳароратни оҳангларга сингдиради, шунинг учун бу қўшиқлар тингловчи кўнглига-да юрт меҳрини олиб киради, қалбда титроқ уйғотади, вужуд бўйлаб ажиб ҳис югуради, қўшиқ завқидан руҳда туйғулар мавжланади. Қўшиқни тинглаётганда нигоҳингиз бир нуқтада туриши мумкин, аммо ўша лаҳзаларда Ватан гўзалигини бор бўйи билан кўраётгандек бўласиз.

– Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида бир қатор юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида сизнинг ҳам Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлганингиз муҳлисларни қу-

вонтириди. Қувончли хабардан кейин қалбингизда қандай ҳислар кечди?

— Авваламбор, камтарин хизматларимга юксак баҳо бериб, ушбу унвонга лойиқ кўрганликлари учун Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат. Эътирофдан бошим осмонга етди. Хабарни эшитгач, тўғриси, қаттиқ таъсиrlандим. Ҳаяжон, хурсандчилик, масъулият ҳисси... Бошқача бўларкан, буни сўз билан ифодалаб беролмайман. Мен мустақиллик фарзандиман — мустақиллик йилларида улгайдим. Мустақиллик туфайли ҳаётда, санъатда ўзимни топдим. Бу ишончни, албатта, оқлашга ҳаракат қиласман.

— Устозларингизни тез-тез эслаб, йўқлаб турасизми?

— Устоз — нафақат сизнинг қўлингизга қалам тутқазган муаллим, сизга билим берган ўқитувчи ёки мураббий, балки сизнинг ҳаётда ўрнингизни топишингизга биргина маслаҳат билан бўлса ҳам, йўл-йўриқ, кўрсатган инсон. Бу ҳақда сўз боргандা, Навоийнинг бир ҳарф ўргатган инсоннинг ҳақини минг ганж билан ҳам адо этиб бўлмайди, деган ҳикматли гапи ёдга тушади.

Мен ҳаётда жуда кўп яхши инсонлардан таълим олдим. Ўзим ўқиган Фарғона шаҳридаги 1-мактаб, санъат коллежи, Ўзбекистон давлат консерваториясидаги ўқитувчиларимнинг ҳаммасидан қарздорман. Таваккал Қодировдек машҳур ҳофиздан санъат сирларини ўргандим. Маҳмуд Тожибоевдан сабоқ олдим. Ҳаётда нимага эришган бўлсам, устозларимнинг маслаҳатлари, берган билимлари эвазига деб ҳисоблайман.

— Ижодингизга замонавий эстрада қўшиқлари зеб бериб турибди. Бироқ Гулсанам Мамазоитова кўнглидаги тафтни мумтоз ашулалярда, айниқ-

са, Машрабнинг «Қайдасан?» ғазали ижросида янада теранроқ ҳис қилиш мумкин. Ундаги оҳанрабо тингловчи кўнглига оқиб кириб, уни ўз ихтиёрига тортади...

— Болалигимда уйимизда кўпроқ мумтоз қўшиқлар янгради. Онам санъатни яхши тушунарди, ахир у йигирма йил маданият уйида раҳбар бўлиб ишлаган. Бизнинг қандай қўшиқ тинглашимизни ҳам, куйлашимизни ҳам у киши қаттиқ назорат қиласарди. Акам иккимизга енгил-елпи қўшиқларни эшитишга рухсат ҳам, вақт ҳам йўқ эди. Ёшлигимдан Таваккал Қодиров, Замира Суюнова қўшиқларини тинглаб улфайдим, тадбирларда уларнинг қўшиқларини ижро этдим. Эҳтимол, мумтоз қўшиқларни куйлаётганимда болалигимдан қалбимга сингтан ўша оҳанглар таъсиридан чиқиб кетолмасман...

— «Ўзбекистон», «Она тупроқ», «Ойдан тушган эмас», «Муқаддас ватанда азиздир инсон» сингари кўплаб қўшиқларингиз мухлисларнинг кўнгил мулкига айланди.

Ватан ҳақидаги қўшиқлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Менимча, бу муқаддас тушунчани мавзу этиб танлар экан, ҳар бир санъаткор хаёлига турли оҳанглар ўз-ўзидан қуйилиб келаверса керак. Масалан, Иқбол Мирзо шеъри билан айтган «Ўзбекистон» қўшигини маромига етказиб ижро этгансиз. Бироқ, дейлик, яхши шеърни бошқа санъаткорлар ҳам қўшиқ қилиб куйлагиси келади. Сиз айтган қўшиқ шеърини бошқа бир хонанда бошқача йўсинда куйласа, унга қандай муносабатда бўлардингиз?

— Ҳар бир инсоннинг, жумладан, санъаткорнинг ҳам ўзига хос ички олами бўлади. Ҳар кимнинг ўз услуби, маҳорати, диidi бор, қолаверса,

шеър шоирнинг қалб мулки, у менинг шахсий мулкиммас. У шеър яна кимнидир таъсиранти-пар, завқ берар. Бунга табиий қарайман.

— Гулсанам, энди бир неча дақиқага ўзингизни оддий тингловчи сифатида тасаввур қилишингизни сўрардим. Бугунги ўзбек эстрадаси ҳақида фикрингиз қандай? Санъатга кириб келаётган ёшлар ижодига қандай баҳо берасиз?

— Албатта, шу соҳанинг вакили бўла туриб, ҳам-касларим ҳақида ҳар хил фикрларни билдириб юборишим одобдан эмас. Бироқ сиз мени оддий тингловчи сифатида фикрим билан қизиқяпсиз.

Ўйлашимча, санъаткорлик ва ҳаваскорликни бир-бирига аралаштириб юбориш унчалик түғри эмас.

Телеэкранлардан тушмаётган, дискларга ёзилиб, минг-минг нусхада кўпайтириб тарқатилаётган қўшиқ ва клипларнинг барини мен санъат асалари деб қабул қилмайман. Менимча, чин муҳлисларнинг ҳаммаси шундай фикрда.

Сиз жуда оғрикли савол бердингиз-да. Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлайман. Мухтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобини ўқиган бўлсангиз, унда эстрада санъати, хусусан, миллий эстрадамиз қиёфаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида ибратли фикрлар бор. Бўлар-бўлмас, ялтири-юлтири лиbosларни кийиб олиб саҳнага чиқиши, одоб-ахлоқ меъёrlа-рига тўғри келмайдиган, енгил-елпи тасвиirlарни клип деб тақдим этиш ҳали эстрада хонандаси бўлдим, дегани эмас-ку. Лекин одамни ўйга толдирадиган, эшитганда, бу ёшларимизга ёмон таъсири этмасмикан, дидини үлдириб қўймасмикан, деган хавотирга солиб қўядиган «санъат» асалла-

ри билан ёнма-ён ҳақиқий санъат, истеъдод меваси бўлган қўшиқлар ҳам яратиляпти. Умид қиласманки, вақт ҳаммасини жой-жойига қўяди. Чин санъат муҳлислари ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Шулар борлиги учун ҳам биз – санъаткорлар яхши қўшиқлар куйлашга ҳаракат қиласмиз. Муҳлисни енгил-елпи, саёз қўшиқقا ўргатаман, деганлар хато қиласди. Халқ ким қандай қўшиқ куйлаётганини жуда яхши билиб туради. Уни алдаб бўлмайди.

– Қўшиқларингиз кўнгил кечинмаларингиз ифодасими?

– Ҳаммаси ҳақида ҳам шундай деб бўлмайди. Тўғри, санъаткор кўнглига яқин мавзууни танлайди, шунга мос сўз қидиради. Ҳеч ким кўнглидан узоқ кетиб қололмайди ижодда. Жумладан, мен ҳам юрагим «жиз» этмаган сўзни қўшиқ қилиб куйлагим келмайди. Лекин қўшиқ куйлашда биринчи ўринда тингловчини ўйлайман. Унинг кўнглига яқин сўзни айта оляпманми, одамлар дилидагини топиб куйлаяпманми, деб ўйлайман. Муҳлислар нимани эшитишни хоҳлаёттанини инобатта оламан.

– Байрам тадбирларидағи чиқишлиарингизни муҳлислар интиқлик, илҳақлик билан кутади.

– Муҳлисларим соғиниб, интиқ кутишяптими, демак, қўшиқларим уларнинг қалбидан жой олибди, деб биламан. Бундай эътибор ҳаётимга мазмун киритади. Наврўз байрамида қўшиқ ижро этиб бўлгач, сахнадан тушаётсам, «Мустақиллик байрамида ҳам чиқасизми?» дея сурашганди. Бу мен учун ёқимли ва, албатта, бундан рухланаман.

– Яқинда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалидан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Бу нуфузли санъат фестивалининг очилиш маросимида «Хуш келдингиз» қўшиғини ижро этдим. Таассуротларим бир олам.

— Янги концерт дастурингизда қўшиқларни юз фоиз жонли ижро этаркансиз.

— Бироз муддат уйда ўтирган бўлсам-да, ижоддан тўхтаб қолганим йўқ. Санъаткорман, янгилик қилишни яхши кўраман. Халқона йўналишда, янгича услубдаги янги қўшиқлар яратдик. Концертни 2014 йилнинг январ ойига мўлжаллаяпмиз. Қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Катта масъулият талаб этадиган ишни бошлаб қўйдик, барчаси кўнгилдагидек ўтиши керак, деган ширин безовталикини ҳис қиляпман. Дастурни тайёрлашда мусиқий раҳбаримиз, бастакор Санжар Раҳматхўжаев, шунингдек, Иқбол Муҳаммаджонов, Илҳом Маматов, Дилшод Аҳмадшоҳлар ҳам масъул. Бу иштиёқим, қарорим муҳлисларим, уларга бўлган меҳрим туфайли. Эҳтимол, бу йилги концертим жонли, ундан кейингиси фонограмма ёрдамида бўлар. Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Бу вақт, имконият ва хоҳишга боғлик. «Бу йил жонли ижро қилдим, энди буни анъанага айлантираман», демоқчи эмасман. Концерт жонли бўлса-ю, томошабин ундан завқ ололмаса, бунинг қизиги йўқ. Тингловчининг концертдан завқ олиб кетиши мен учун муҳим. Чин санъат муҳлисларини жуда ҳурмат қиласман.

«КИНОДА РОЛ ЎЙНАМА, КИНОДА ЯША»

Отабек Маҳкамов кино санъатимизда ўз қиёфаси, сўзи, услубига эга бўлишга интилаётган истеъодоли актёрлардан.

Нигоҳидаги қатъият, ҳаддан ортиқ жисдийликни кўриб, баъзилар у ҳақда бошқача фикрга боришиям мумкин. Биз бу ҳолни унинг асл касби – ҳуқуқшунослигига йўйиб қўя қоламиз.

«Фотима», «Мен юлдузман», «Ёндиради, куйдиради», «Мажруҳ», «Жодугар», «Келгинди келин – 2 ёхуд анжонча муҳаббат» фильмлари даги роллари орқали танилган ёш, истеъодоли актёр Отабек Маҳкамов билан сухбатимиз унинг ҳуқуқшунослик касби бўйича эмас, санъатдаги фаолияти ҳақида бўлди.

– Бутунлай бошқа соҳа кишиси эдингиз, асли юрист Отабек Маҳкамов қай тариқа санъатга қадам қўйди?

– Болалигим кўплаб таникли санъаткорлар даврасида ўтган. Аслида, ҳаммаси бундай бўлди: бир куни режиссёр Зебо Наврӯзова: «Отабек, «Бўрилар» деган фильм оляпман. Ҳуқуқий масалаларда ёрдаминг керак», деди. Фильмда терговчи ролини театрдан чақирилган актёр ўйнаши керак экан. Суратга олиш жараёнларини кузатдим. Ўша актёр ролни жуда ҳиссиётта берилиб ижро этяпти. Аслида, терговчи ўзини бундай тутмаслиги, совуққон, ўз ишини пухта биладиган, тажрибали инсон сифатида кўриниши керак. Унга ундей эмас, бундай қилинг, деб кўп тушунтирдик. Актёрга керакли маслаҳатларни бергач, «Ишим тутади, энди бизга рухсат», десам, режиссёр ҳалиги актёрнинг ролидан кўнгли тўлмаган экан, шекилли: «Балки ўзинг ўйнарсан», деб қолди. Шунда:

«Йўқ, мен актёр эмасман, ҳуқуқшуносман», дедим. Актёр акамизнинг бироз жаҳли чиққандай бўлди. «Ўзи шунаقا, бировга ўргатиш осон, бажариш қийин», деди. Бу гап менга оғир ботди. Бўнти, розиман, деганимни билмай қолдим.

Бадиий кенгашда «терговчи», яъни менинг ролимни кўриб: «Янги актёр чиқибдими, қаердан тоғдинглар буни?» дейишган. Шунда режиссёр мени, маъқул келмади, шекилли, деб ўйлаб, хавотир аралаш саволга савол билан: «Нима эди?» дебди. Шунда: «Бизнингча, бу актёрни четдан чақиртирган бўлсаларинг керак. Нега энди шунча жойдан овора қилиб чақириб, атиги беш дақиқалик рол бердинглар? Асосий роллардан бирини берсаларинг ҳам бўларди-ку, суратларини афишаларга чиқариш керак», дейишган. Шундан кейин ролим кенгайтирилиб, афиша ва баннерларда суратларимни чиқаришган. Биддирилган ишонч туфайли шу-шу фильмларда озми-кўп иштирок этиб келяпман.

– Мақтовга қандай қарайсиз?

– Унчалик эҳтиёж сезмайман, аммо самимий бўлса, қабул қиласман. Лекин бу борада ойимнинг ўз қарashi бор. Венгрияда таҳсил олиб, йигирма беш ёшимда юридик фанлар доктори бўлганимда ҳам, «Ўзбегим ўғлонлари» республика танловида ғолиб бўлганимда ҳам ойим мени мақтамаган. Ўшанда хафа бўлиб: «Ойи, нега бир оғиз ҳам мени мақтамайсиз?» деганман. Шунда ойим: «Қиладиган ишларинг жуда кўп, мақтов эса одамни ялқов қилиб қўйиши мумкин», деди...

– Мухлислар назарида бўлишининг масъулияти қандай?

– Жудаям катта. Масалан, илгари кўчагами, дўконгами чиқсан, эгнимдаги либосларга аҳамият бермасдим. Энди эса кийинишга жиддий эътибор

берадиган бўлдим. Негаки, мухлислар, айниқса, ёшлар ўзига идеал ва кумир қидиради. Қолаверса, ёшлар қизиқувчан, тақлидчи ҳам бўлади. Уларни кийиниш маданиятига ҳам ургатиш керак. Айтишади-ку, кийинишингга қараб кутиб олишади, билимингга қараб кузатиб қўйишида, деб. Ёки мухлис сизни хоҳлаган жойда тұхтатиб, расмга тушишни таклиф қилиши мумкин. Мухлислар назаридаги санъаткор ҳар қандай вазиятда эътиборли кийиниши, яхши муомалали бўлиши шарт.

— Ўзингиз талқин этган қаҳрамонлардан бирор нарса ўрганасизми?

— Кинода кимлар билан рол ўйнаган бўлсам, улар менга ҳам ҳамкор, ҳам устоз. Хитойлик файласуф Конфуцийнинг бир гапи бор: «Ҳеч ким бу дунёда сенга дўст ёки душман эмас, лекин ҳар бир инсон — биз учун буюк устоз». Ҳатто энг қабиҳ кишидан ҳам ёмон одам бўлмасликни ўрганиш мумкин. Санъатдаги ҳамкорларимдан нимадир ўргангим келади. Масалан, Озодбек Назарбековнинг муомала маданиятига, босиқлигига, Дилноза Кубаеванинг актёрлик маҳоратига, Улугбек Қодировнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам, съёмка майдонида қаҳрамони образига кира олишига ҳавас қиласан.

Фикримча, жаҳон кино юлдузларидан актёрликка ўқимаганлариям бор. Масалан, Ален Делонга: «Сиз актёрликка ўқимагансиз, олий маълумотингиз ҳам йўқ. Қандай қилиб бу даражага эришдингиз?» дея савол беришади. У шундай жавоб беради: «Бир қадрдоним бор эди — Бриджит Бардо — таниқли киноактриса, хонанда. Ўша менга доим: «Ален, агар дунё танийдиган киноактёр бўлишни истасанг, ҳеч қачон кинода рол ўйнама, балки ўша рол ичида яшагин», дер эди. Шунинг

учун мен ҳам кинодаги ролларимда «яшаш»га ҳаракат қиласман».

Бу гаплар билан ҳаммаям ўқимасдан ўз касбинг устаси бўлиб кетади, демоқчи эмасман. Гапларимни истеъдод ҳақида, деб тушунинг. Умуман олганда эса, муайян соҳада профессионал бўлиш учун, албатта, ўқиш керак.

— Сизнингча, омад нима?

— Омад — меҳнатнинг ичига яширинган кўринмас тушунча. Ёшлигимда энг яхши кўрган жойим кутубхона эди. Интернет у пайлар ҳозиргидек оммалашмаганди. Баъзи ўртоқларим, китобнинг нима кераги бор, усиз ҳам бизнес қилса бўлади, дерди. Атрофимда илмли инсонлар кўп бўлган. Улар билан суҳбатлашиш, баҳслашиш имконияти бўлган менда. Ёшлигимда ҳам яхши кўрадим ва ҳозир ҳам менга француз тили ёқади. Яхшиям вақтида француз, инглиз, немис тилларини ўрганганман. Парижга борганимда бир куни бизнес ҳамкорларим билан ресторанда овқатланиб ўтирасак, биздан кейинги столда тамадди қилаётган машҳур «Такси» фильмининг режиссёри Жерар Кравчик, продюсер Люк Бессонга кўзим тушди. Секин уларнинг ёнига бориб, саломлашдим, ўзимни таништирдим, ижодингизни ҳурмат қиласман, дедим. Улар ишлаган фильмлар ҳақида фикр билдирам. Бироз гаплашгач, кетишга чоғлангандим, улар тұхтатиб, мени кечки овқатга таклиф қилишди. Ұша куни тунги соат бирдан эрталабки тұққизгача суҳбатлашганмиз. Бир нарсадан хурсандманки, вақтида чет тилларни ўрганган эканман. Шу туфайли жағон кино юлдузлари билан танишиш, мулоқот қилиш, дўстона муносабатда бўлишга мұяссар бўлдим.

— Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг «Мени кучлироқ сев» қўшиғи клипида кечинмаларингиз биргина нигоҳга кўчган, нигоҳ эса маъноларга...

— Жуда қизиқ бўлган. Клипда суратга тушиш менга ёқмасди. Тўрт-беш дақиқада образ яратиш қийин. Бир куни клип режиссёри Хуршид Собиров интернет орқали менга «Сизни бир халқ артистининг клипига таклиф қилмоқчиман, лекин кимлигини айтмайман, нима дейсиз?» деб ёзибди. Мен: «Кечирасиз, клипларда суратга тушмайман», деб жавоб ёздим. Озроқ вақт ўтгач, телефон рақамимни топиб, яна айтишди. «Ака, қатнашмайман, дедим-ку», дедим. У: «Сценарийни электрон почтангизга жунатайлик, бир кўринг, ёқмаса, майли, бошқа безовта қилмайман», деди. Бу самимий муомаладан, тўғриси, хижолат бўлдим. Уч варакли сценарийни ўқиб кўрдим. Кичик салбий рол экан. Сценарий бўйича қизни кутиб олишим, йигит билан қиз бир-бирига қараб туриши керак. Клипнинг энг охирги саҳналари қуп-қуруқ бўлган, яъни суратга олиш майдонида Озодбек Назарбеков ва Райхон Уласенова йўқ эди. Улар қани, десам, йигит билан қиз совқотиб кетди, исинишаётки, дейишди, кун эса ботяпти, вақтни йўқотмасдан, суратга олиш жараёнини тезроқ тутгатишимиз керак, дейишди. Шунда мен қуруқ дараҳтга қараб, энсамни қотириб ролимни ижро этганман. Режиссёр, йигит билан қиз бир-бири билан топишди, сиз уларга қараб турсангиз бўлди, деб топшириқ берди. Мен эса, нега қараб турарканман, деб уларга тескари қараганман — бу сценарийда йўқ эди, ўзим қўшганман. Қаранг, клипнинг айнан шу эпизоди қўпчиликка ёқсан экан. Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

ган артист Зиёда Мадраҳимова ҳам буни алоҳида эътироф этиб табриклади. Қўшиқ ижроиси ким эканини эса фақат аэропортдаги эпизод олинганидан кейин билганман...

МУНДАРИЖА

- Юрти тинчнинг – кўнгли тинч
- Атиргулнинг сабоги
- Софинаман дийдорингизни
- Нодира сочини кесмайдиган бўлди
- Кўнгилларни асир этувчи сўз
- Йигитчасига ваъда
- Сўнгги қўнфироқ ҳаяжонлари
- Нондаги ҳикмат
- Пул санаётган бола
- Ортиқча ҳою ҳавас оқибати
- Бебаҳо зийнат
- Танбеҳга муҳтож катталар
- Телефонда қандай сўзлашасиз?
- Қизингиз шаънини асранг!
- Ота-она – оиласда ойна
- Завол топган баҳт
- Устоз уялиб қолди
- «Бир жуфт оққуш» рақси
- Соғлом турмуш – соғлом ҳаёт
- «Қизимга ёрдам беринг, доктор!»
- «Сиздан пул сўрадимми?!»
- «Санъатга наққошлик тўгарагидан кириб келганман»..
- Эзгуликнинг умри узун
- Саҳнага ошуфталиқ
- Болаларни алдаб бўлмайди
- Илк ижод иштиёқи ёки ҳаёт ташвишлари
- Санъатга йул ёки иқоралик
- Ваъда вафоси билан гўзал бўлди
- «Ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам ўлмагин!»
- Эртаклар – эзгуликка етаклар
- «Менга шу кўк азиз, шу тупроқ азиз»
- Яхши қўшиқ тингловчисини топади
- «Кинода рол үйнама, кинода яша»

Агадий-бадиий нашр

МАЙСАРА НАЗАРОВА

АТИРГУЛНИНГ САБОГИ

Кичик ҳикоялар, қатралар, сұхбатлар

Мұхаррір

Гавхар МИРЗАЕВА

Мусаҳых

Суннат МУСАМЕДОВ

Бадий мұхаррір

Үйғұн СОЛИХОВ

Техник мұхаррір

Сурайә АХМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Дилдора ЖҰРАБЕКОВА

Шарттойынан 01.08-дегі 3000 000 ₸-дан ашықтық
елдең түнгі майданда да, дағы 0000 орталық
ДЖАБЫРДА шешкенді

Джабырдың көзіндең 0000 түнгі майдан
түнгі түнгі дағы майданда да - арасында
шарттың 0000 майданда да
жадид жаңа шешкендің түнгі майдан

шешкендің түнгі майданда да, шайбә
да жадид жаңа шешкендің түнгі майданда да

шешкендің түнгі майданда да
шешкендің түнгі майданда да - шешкендің түнгі майданда да
шешкендің түнгі майданда да - шешкендің түнгі майданда да

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 2015 йил 26 декабря рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 5,0. Шартли босма табоги 8,4.

Гарнитура «Virtec Baltica Uz». Офсет қофоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 238.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 129-09-69, 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlod@mail.ru



Майсара Назарова

Бухоро вилоятининг Шоғиркон туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олган. Ҳозирда «Mahalla» газетасида ишлайди. 2009 йилда «Мени тушунадиган одамлар» китоби нашрдан чиқкан. 2005 йил «Шухрат» медали, 2006 йилда «Мустакилликнинг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

ISBN 978-9943-27-678-9

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-27-678-9.

9 7 8 9 9 4 3 2 7 6 7 8 9